

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

“Машинасозлик” факультети

**“Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти”
кафедраси**

Қўлёзма ҳуқуқида

**СИФАТ МЕНЕЖМЕНТИ ТИЗИМИНИНГ ПРОЦЕДУРА
ХУЖЖАТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА “ЎЗАВТОСАНОАТ”
ҚЎШМА КОРХОНАЛАРИДА ТАДБИҚ ЭТИШ.**

5310900 - «Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти» йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун

ДИПЛОМ ЛОЙИХАСИ

Кафедра мудири:

доц. Эсонова.Ш

Раҳбар:

доц. Қосимов.Б.И

**Ҳаёт фаолияти
хавфсизлиги:**

доц. Абдурахмонов.А

Иқтисодий қисм:

доц. Қосимов.Б.И

Битирувчи:

Исмоилов.Ў.М

Андижон – 2016

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I-БОБ. Сифат менежменти тизимининг процедура хужжатларини ишлаб чиқиш	7
1.1 ISO 9000 сериали халқаро стандартининг яратилиш тарихи ва тамойиллари.....	8
1.2 Сифат менежменти тизимида қўйилган талаблар ва процедура хужжатлари	19
1.3 Халқаро стандартларни жорий қилишдан мақсад ва уни афзаллик томонлари	32
1.4 Етакчи хорижий компанияларда сифатни таъминлаш ва бошқариш тажрибаси.....	33
1.5 Автомобилсозликда сифат менежменти халқаро стандартлари.....	37
II-БОБ. Автомобилсозликда ISO 9001:2008 ва ISO/Ts 16949:2009 халқаро стандартларининг ўрни ва аҳамияти	41
2.1 ЎзАвтосаноат тизимидаги қўшма корхоналарининг ўзига хос хусусиятлари.....	42
2.2 Автомобилсозликда сифатни таъминлаш ва сифат бошқаруви.....	49
2.3 ЎзАвтосаноат тизимидаги қўшма корхоналарида маҳаллийлаштирилган эҳтиёт қисмлар етказиб берувчи корхоналарда ISO 9001:2008 ва ISO/Ts 16949:2009 халқаро стандартларини жорий қилиш.....	58
2.4 Автомобилсозлик корхоналарининг бутловчи қисмлар етказиб берувчи корхоналарига янги талаблари	65
III-БОБ. ISO 9001:2008 ва ISO/Ts 16949:2009 халқаро стандартларига асосланган сифат тизимларини “Uz Dong Yang Co” қўшма корхонасида жорий этиш	70
3.1 ISO 9001:2008 ва ISO/Ts 16949:2009 халқаро стандартларини “Уз Донг Янг Ко” қўшма корхонасида жорий этиш.....	71
3.2 ISO 9001:2008 халқаро стандартига асосланган сифат тизимида истеъмолчининг талабларини қондирилиши.....	74
3.3 “Uz Dong Yang Co” қўшма корхонаси сифат менежмент тизимини баҳолаш.....	79
ХАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ	81
ИҚТИСОДИЙ ҚИСМ	88
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР	95
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	90
Иловалар	98

Кириш

					5310900 МСМСМ				
					Кириш	Лит		Масса	Масш.
Изм	Лист	Документ №	Подпись	Дата		у			
Бажарди		Исмоилов.Ў.М.							
Рахбар.		Қосимов.Б.И							
Каф.муд		Эсонова.Ш.				Варақ		Варақлар	
Маслаҳ.					АМИ “МСМСМ” фак. ғр. 091 МСМСМ				
Тасдиқ.					3				

Кириш

Мавзунинг долзарблиги: миллий иқтисодиётда ва саноат ишлаб чиқаришда автомобилсозлик улишини ошиб бориши, автомобилсозлик жаҳонда энг рақобатбардош соҳалиги, рақобатбардошлигини таъминлаш учун сифатини тубдан яхшилаш (автомобилнинг 70% қиймати ва сифати бутловчи қисмлар етказувчи корхоналарда яратилади), автомобилсозлик географик жойлашуви кенгайиши (Асака, Самарқанд, Хоразм, Тошкент шаҳарларида автомобиллар ишлаб чиқарилмоқда), автомобилсозликдаги рақобатдошлик муҳити замонавий сифат менежменти талабларини жорий этиш ва сертификатлаштиришни талаб этмоқда:

- маҳсулот етказиш занжири ҳаражатларни камайтириш;
- халқаро сифат менежменти талабларини жорий этиш;
- сифат менежменти тизимини доимо такомиллаштириш ва ресурслардан оқилона фойдаланиш.

Ўзбекистонда автомобилсозлик соҳасининг тезкор ривожланиши, асосан, кўшма корхоналарни ишга туширилиши ва улар фаолиятининг кенгайиши ҳисобига рўй бермоқда. Бундай корхоналар сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Маҳсулот ва ишлаб чиқаришнинг ўзига бўлган талаблар автогигантлар учун “оддий” бўлган талаблар ҳисобланади. Бу талаблар, асосан, уларнинг автомобиль ишлаб чиқаришга бўлган ички сифат стандарти ва халқаро стандартларга мослигида акс этади.

Мамлакатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматларни ташқи ва ички бозорларда рақобатбардошлигини келгусида ошириш, республика экспорт салоҳиятини юксалтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2004 йил 22 июлда “Корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 349-сонли қарорни қабул қилди.

Мазкур қарорни ривожлантириш учун 2006 йил 29 августда республика Хукумати томонидан “Корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган

сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 183-сонли қарор қабул қилинди.

Республика корхоналарида сифатни бошқариш тизимларини жорий этишни келгусида кенгайтиришни таъминлаш, мамлакат ичкарасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ва кўрсатилаётган хизматларнинг рақобатбардошлигини ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтириш ва халқаро стандартларга мос келадиган сифатни бошқариш тизимини республика корхоналарига жорий этиш учун 2009 йил 19 июнда “Республика корхоналарида халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этишни кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 173-сонли қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорга мувофиқ 2011 йил 1 январгача республиканинг 277 корхона ва ташкилотларида халқаро стандартларга асосланган сифат тизимини жорий этиш, яна 952 та корхона ва ташкилотларда жорий этишни имкониятларини ўрганиб чиқиш белгиланган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 19 июндаги 173-сонли қарорига изох).

Автомобиль ишлаб чиқарувчилар фаолиятини халқаро стандартларга мос бўлиши кераклиги ва халқаро стандартларга асосланган сифат тизимини жорий этиши ўз навбатида, уларнинг бутловчи қисм етказиб берувчиларига ҳам бир қатор талабларни қўяди. ISO/Ts 16949:2009 халқаро стандарти талаблари ва унинг қўшимча йўриқномаларини тадбиқ этиш мана шундай муаммолардан ҳисобланди.

O'zDSt ISO 9001:2009 халқаро стандарти талабларига асосланган сифат менежмент тизимини ишлаб чиқиш ва уни тадбиқ этиш, рақобатбардошликни ва олинадиган даромадларни ошириш йўлида, корхона раҳбарияти олдида турган, муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Диплом иши мақсади: O'zDSt ISO 9001:2009 халқаро стандарти талабларини чуқур ўрганиш асосида сифат менеджменти тизимининг процедура хужжатларини ишлаб чиқиш ва “Uz Dong Yang Co” қўшма корхонаси тадбиқ этиш.

Диплом иши вазифалари: “Uz Dong Yang Co” қўшма корхонасининг ўзига хос хусусиятлари ва уларда ишлаб чиқариш жараёнлари ва натижаларига ўрнатилган талаблардан келиб чиқиб қўйилган вазифалар қуйидагича:

- ишлаб чиқариш корхоналарида сифат менежмент тизимларига қўйиладиган талабларни ўрганиш ва асослаш;

- O'zDSt ISO 9001:2009 халқаро стандарти асосида сифат менежмент тизимининг шакллантириш;

- O'zDSt ISO 9001:2009 халқаро стандарти асосида менежмент тизими самарадорлигини аниқлаш, корхонада бутловчи қисмлар етказиб берувчи корхоналар билан O'zDSt ISO 9001:2009 халқаро стандарти асосида менежмент тизимининг шакллантириш ва ривожлантириш бўйича аниқ амалий тавсияларни ишлаб чиқиш;

- O'zDSt ISO 9001:2009 халқаро стандарти асосида менежмент тизимини истиқболли ривожланиш йўллари яратиш.

Диплом иши услубияти: корхона бошқарув тизими ва жараёнларини ўрганишда комплекс ёндашув, яъни уларни алоҳида, яқка ҳолда ўрганиш эмас, балки уларнинг атроф-муҳит ва бошқарув субъектлари билан узвий алоқада ўрганиш.

Диплом иши натижаларининг амалий аҳамияти ва тадқиқи: тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти - “Uz Dong Yang Co” қўшма корхонасида O'zDSt ISO 9001:2009 халқаро сифат менежмент тизимини жорий этиш орқали маҳсулот сифатини яхшилиш ва унинг рақобатбардошлигини ошириш.

Ишнинг тузилиши: Диплом иши кириш сўзидан, учта бобдан, хулоса ва таклифлардан ҳамда илова ва фойдаланган адабиётлар рўйхатидан тузилган.

-

I - Боб

					5310900 МСМСМ				
					I-Боб	Лит		Масса	Масш.
Узе	Варақ	Хужжат №	Имзо	Сана		у			
Бажарди		Исмоилов.Ў.М							
Рахбар.		Қосимов.Б.И							
Каф.муд		Эсонова.Ш.				Варақ		Варақлар	
Маслаҳ.						АМИ “МСМСМ” фак. гр. 091 МСМСМ			
Тасдиқ.						7			

I-БОБ. Сифат менежменти тизимининг процедура ҳужжатларини ишлаб чиқиш.

1.1. ISO 9000 сериали халқаро стандартининг яратилиш тарихи ва тамойиллари

Миллий стандартлар улар ишлаб чиқилган ва қўлланиладиган мамлакатлардаги илмий ва техник ривожланишнинг ўзига хос хусусиятларини ва даражасини акс эттиради. Шунинг учун ҳам турли мамлакатлар стандартларининг бир турдаги материаллар ва буюмларга талаблари кўпинча бир - биридан фарқланади, бу эса халқаро савдони ривожлантириш учун жиддий тўсиқ ҳисобланди, чунки маҳсулот характеристикаларини шу маҳсулотни сотиб олаётган мамлакатнинг стандартлари билан келишиш заруриятини келтириб чиқаради.

Инсон фаолиятининг барча соҳаларида халқаро савдо - сотиқ ва ҳамкорликни ривожлантириш объектив тарзда миллий стандартларни келишиш (уйғунлаштириш), халқаро (минтақавий халқаро) стандартларни ишлаб чиқиш ва кенг қўллаш заруриятига олиб келди.

Дунёда жуда кўп корхоналар **ISO 9000** гуруҳ стандартлари талабларини бажариш асосида катта муваффақиятга эришдилар. Халқаро стандартлаштириш бўйича энг аҳамиятга молик ташкилот ISO халқаро ташкилотидир.


У 14 октябрь 1946 йилда – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташаббуси билан 25 мамлакат вакиллари иштирокидаги конференцияда Лондонда ташкил этилган. ISO грекча «isos» сўзидан олинган бўлиб, тенг деган маънони билдиради.

ISO – International Organization for Standardization.

ISO – Халқаро стандартлаштириш ташкилоти.

9000 – сифат менежмент тизими гуруҳ стандартларининг тартиб рақами.

ИСО стандартларининг такомиллаштирилиши



Ушбу гуруҳнинг асосий стандартлари

ISO 9000	Сифат менежменти тизими. Лугат ва асосий низомлар.
ISO 9001	Сифат менежменти тизими. Талаблар.
ISO 9004	Сифат менежменти тизими. Фаолиятни такомиллаштиришга тавсиялар

1987 йилда биринчи ISO 9000 гуруҳи тўпламларини нашр қилиш бошланган, 2000 йилда эса улар қайтадан такомиллаштирилиб нашр этилган.

ISO серияли халқаро, универсал бўлади ва сертификатлаштирилади;

-Халқаро

Стандартларни ишлаб чиқишда дунёнинг энг олий менежмент соҳасидаги тажрибалари инобатга олинган.

-Универсал

Стандартлардаги менеджмент тизимига қўйилган талаблар, умумий бўлиб, барча соҳадаги ишлаб чиқариш корхоналарига ва хизмат кўрсатувчи ташкилотларга тўғри келади.

-Сертификатлаштирилади

Стандартлар бутун дунёда тан олинади. Истеъмолчилар, халқаро сертификатлаштириш органлари томонидан берилган мувофиқлик сертификатларга ишонадилар.

Хозирда ушбу стандартлар 8 тамойил (негиз) дан иборат бўлиб, уларни жорий қилиш орқали корхона ўз фаолиятини такомиллаштириши мумкин. Ушбу тамойиллар қуйидагилардан иборат:

1 Истеъмолчига йўналганлик;

Ташкилотлар ўзининг истеъмолчиларига тобе бўлади ва шунинг учун уларнинг жорий ва келгусидаги эҳтиёжларини тушуниши, уларнинг талабларини бажариши ва кутганидан ҳам ортиқ яхши натижага эришиш лозим.

2 Рахбарнинг пешқадамлиги (сардорлиги);

Рахбарлар ташкилотнинг мақсади ва фаолияти йўналишини ягоналигини таъминлайди. Рахбарлар ташкилот олдида қўйилган вазифаларни бажаришга ходимларни жалб этиш мумкин бўладиган ички муҳитни яратиш ва сақлаш лозим.

3 Ходимларнинг жалб қилиниши;

Барча поғона ходимлари ташкилот асосини ташкил этади ва уларни ишга тўлиқ жалб этилиши ташкилотга ходимлар қобилиятларидан унумли фойдаланиш имконини беради.

4 Жараёнли ёндошиш;

Ташкилотнинг фаолияти ва мавжуд ресурслар жараён тарзида бошқарилганда қўтилган натижа самарали бўлади.

5 Бошқаришга тизимли ёндошиш;

Ўзаро боғлиқ жараёнларни аниқлаш, тушуниш ва менежменти бошқарилганда тизим сифатида ташкилот ўз мақсадларига эришишида унинг натижалилига ва самарасига хисса қўшади.

6 Доимий яхшилаш;

Ташкилотнинг фаолиятини доимий яхшилашга ўзгармас мақсад деб қаралиши лозим.

7 Далилларга асосланган қарорларни қабул қилиш;

Самарали қарорлар маълумотларни ва ахборотларни таҳлил этишга асосланади.

8 Етказиб берувчилар билан ўзаро манфаатли муносабатлар.

Ташкилотлар ва уларнинг етказиб берувчилари ўзаро боғлиқ бўлади ва ўзаро манфаатли муносабатлар иккала томоннинг моддий бойлик яратиш имкониятларини оширади.

Сифат менежмент тамойилларини тадбиқ қилиш, фақат корхонага фойда олиб келишни аниқлаб қолмай, балки сарф-харажатлар бошқарувида ҳам катта хисса қўшади.

Шу ўринда шуни таъкидлаш жоизки юртимизда автомобилсозлик соҳаси тобора жадаллашиб бормоқда. Сифат менежменти тизими автомобилсозлик соҳасини ривожланшида катта аҳамиятга эга. ISO стандартларининг автомобилсозлик соҳасида ISO/Ts 16949:2009 халқаро тармоқ стандарт қўриш мумкин.

ISO/Ts 16949:2009 - бу халқаро тармоқ стандарт бўлиб ISO Халқаро Стандартлаштириш ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган техник ихтисосликдир. Стандарт автомобилсозлик саноати маҳсулотини лойиҳалаштириш, яратиш, ишлаб чиқариш, ўрнатиш ва хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи корхоналарнинг сифат менежменти тизимларига бўлган талабларни аниқлаб беради.

ISO/Ts 16949 халқаро стандарти TC 176 ISO техник қўмитаси қўмаги билан IATF Халқаро автомобилсозлик ишчи гуруҳи ва JAMA Япония автомобилсозлар асоцияси томонидан тайёрланган. Стандарт ISO 9001:2008 стандарти тизимига асосланади ва автомобилсозлик саноатига оид қўшимчаларни ўз ичига олади. ISO/Ts 16949:2009 халқаро стандартининг олдинги вакили Америка QS-9000 стандарти ҳисобланади. ISO/Ts 16949:2009 халқаро стандартининг жорий учинчи версияси 2009 йил ISO/9001:2008 нинг қайта нашридан сўнг чиқарилган.

ISO/Ts 16949 халқаро стандартининг яратилишидан мақсад, ташкилотларнинг сифат менежменти тизимига қуйидаги йўналишлар бўйича талабларни ўрганишдир:

- узлуксиз ривожлантириш;
- камчиликларни олдини олиш;
- етказиб беришда вариация ва йўқотишларни камайтириш.

Ушбу мақсадлар сифат менежменти тизимини ISO 9001:2008 бўйича барча ташкилотларни аниқ, сифатли бошқариш қурилмаларига мос келган ҳолда қайта қуради.

ISO/Ts 16949:2009 халқаро стандарти қуйидаги босқичларда ишлаб чиқарилган:

- 1997 йилда ISO/Ts-16949 стандартининг 1-таҳрири (QS-9000нинг вақтинча тўхтатилган) қабул қилинган. TC 176 ва халқаро автомобиллар соҳасида мақсадли IATF гуруҳлари томонидан қайта ишлаш амалга оширилган.

- 2002 йилда ISO/Ts-16949 нинг 2-таҳрири қабул қилиниб, (QS-9000 бекор қилинган) стандартнинг асосига жараёнли ISO 9001:2008 киритилган. Буни қайта ишлашда Япониянинг JAMA автомобилсозлик ассоцияси қўшилган.

- 2009 йилда ISO/Ts 16949 нинг 3-таҳрири қабул қилинди. (Стандартга унчалик катта бўлмаган ўлчамлар киритилган. Концепция аввалги ҳолатда қолди.)

ISO/Ts 16949:2009 стандарти жиҳозларни етказиб бериш, автомобилсозлик саноатини бутлаш ва ишлаб чиқариш мақсадида барча ташкилотларда қўлланилади.

ISO/Ts 16949:2009 халқаро стандартини қўллашнинг соддалиги ва мослашувчанлиги ISO 9001:2008 га кўп жиҳатдан ўхшаб кетади. Шунинг учун менежментнинг бошқа тизимлари билан мувофиқлашиши осон бўй беради натижада ISO/Ts 16949:2009 халқаро стандартига ўтиш камроқ молиявий ва вақт сарфларини талаб қилади.

- етказиш занжиридаги харажатларни камайиши. ISO/Ts 16949:2009 халқаро стандартига мослик сертификати худди шундай хужжатларнинг олиниши ва иккинчи ҳамда учинчи томон иштирокида қўшимча аудит ўтказилишидан озод қилади. ISO/Ts 16949:2009 халқаро стандартига мослик корхона махсулоти сифатининг юқорилиги ҳамда унинг етказиб берувчиларнинг ишончилигидан далолат беради.

Автомобилсозлик соҳасида бундай сертификатлашни амалга ошириш автомобиль секторининг материаллар ҳамда бутловчи қисмлар етказиб берувчилар учун, нафақат, тижорат нуқтаи-назаридан аҳамият касб этади, балким, харидорлар орасида уларга бўлган ишончнинг ортишига сабаб бўлади. Берилаётган сертификатларнинг сони, дунё миқёсида, йил сайин ортиб бормоқда. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун Халқаро сертификатлаш ташкилоти (ISO) нинг расмий статистик маълумотларига назар ташлаш кифоя. Статистик маълумотлар 2.1. - жадвал ва 2.1. - расмда келтирилган.


2.1.-жадвал.

ISO маълумотлари бўйича дунёда 2004-2011 йилларда ISO/Ts 16949:2009 асосида сертификатлаш

Йил	Берилган сертификатлар сони	Йиллик ўсиш	Сертификат олган корхоналар жойлашган мамлакатлар сони
2011	47512	3566	86
2010	43946	2706	84

2009	41240	1920	83
2008	39320	4122	81
2007	35198	7199	81
2006	27999	10952	78
2005	17047	7028	80
2004	10019		62

2.1. - расм




Стандартнинг тадбиқ этилиши ҳақидаги маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, 2011 йил якунига келиб, дунёнинг 86 мамлакатада, ISO/Ts 16949:2009 га мувофиқ сертификатланган компаниялар миқдорининг барқарор ўсиши кузатилган. Стандартларнинг минтақавий улушини баҳолайдиган бўлсак, бу ерда Хитой, Корея республикаси, Таиланд ва Хиндистон каби Шарқий Осиё ва Тинч океани мамлакатлари етакчилик қилаётганига гувоҳ бўламиз. Олинган сертификатлар сони бўйича иккинчи ўринда Европа минтақаси давлатлари жойлашган. Булар Германия, Италия ва Франция давлатлари ҳисобланади. Учинчи ўрин Шимолий Америка (АҚШ)га тегишли (2.2.-жадвал ва 2.2. – расм).

**2011 йилда ISO/Ts 16949:2009 стандартига мувофиқ олинган сертификатлар
бўйича ўсиш кўрсаткичлари (дастлабки 10 та ўрин)**

Тартиб рақами	Мамлакат	2011 йилда олинган сертификатлар сони
1	Хитой	2110
2	Хиндистон	397
3	Корея Республикаси	248
4	Эрон	125
5	Тайланд	79
6	Мексика	64
7	АКШ	51
8	Туркия	48
9	Италия	37

2.2. - расм




2010-2011 йилларда ISO/Ts 16949:2009 стандартига мувофиқ энг кўп миқдордаги сертификат олган компанияларга эга мамлакатлар хақида маълумотлар 2.3.-жадвал ва 2.3.-расмда берилган.

2.3.-жадвал.

**2010-2011 йилларда ISO/Ts 16949:2009 стандартига мувофиқ энг кўп
микдордаги сертификат олган корхоналарга эга мамлакатлар**

№	Мамлакатлар	2010 йилга бўлган ҳолат	2011 йилга бўлган ҳолат	Ўсиш, %
1	Хитой	14200	16310	14,8
2	Корея	4014	4262	6,2
3	АҚШ	3727	3778	1,4
4	Германия	31.78	3210	1
5	Хиндистон	29.79	3376	13,3
6	Япония	1195	1223	2,3
7	Бразилия	1138	1172	3
8	Италия	1118	1155	3,3
9	Тайланд	1046	1125	7,6
10	Франция	1033	1059	1,3

2.3.-расм




Жадвалдан кўриниб турибдики, автомобиль саноати кенг тараққий этган мамлакатлар етакчилик қилиб келмоқдалар.

Шунингдек, Ўзбекистонда 2011-2015 йилларда ISO халқаро стандартлари сертификатлаштирилган корхоналар ҳақидаги маълумотлар 2.4. - жадвал ва 2.4.- расмда келтирилган.

**Ўзбекистонда 2011-2015 йилларда халқаро стандартлар бўйича
сертификатлаштирилган корхоналарнинг вилоятлардаги ўсиши**

№	Сертификат берган корхона номи	ISO 9001	ISO 14001	OHSAS 18001	ISO 16949
1	Андижан	32	4	4	13
2	Тошкент	14	2	-	2
3	Фарғона	8	-	-	4
4	Навоий	3	-	-	1
5	Хоразм	3	-	-	1
6	Наманган	2	-	-	1
7	Жиззах	-	-	-	1

2.4. - расм




Жадвалдан кўриниб турибдики, республикамизда автомобиль маркази ҳисобланган Андижон вилояти етакчилик қилиб келмоқдалар.

2011-2015 йилларда республикамизда халқаро стандартлар сертификатлаштирилган корхоналарнинг ўсиши тўғрисидаги маълумотлар
2.5. - жадвал ва 2.5. - расмда келтирилган

2.5.-жадвал

**Ўзбекистонда 2011-2015 йилларда сертификатлаштирилган
корхоналарнинг ўсиши (дона)**

Йиллар	ISO 9001	ISO 14001	OHSAS 18001	ISO/TS 16949	Жами
2015	20	3	2	3	28
2014	18	-	1	2	21
2013	14	1	1	11	27
2012	21	4	3	7	35
2011	4	2	1	-	7




Маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, ISO/Ts 16949:2009 стандарти талабларига асосланган сифат менежмент тизимини ишлаб чиқиш ва уни тадбиқ этиш, рақобатбардошликни ва олинадиган даромадларни ошириш йўлида, корхона раҳбарияти олдида турган, муҳим масалалардан бири ҳисобланади ва ISO/Ts 16949:2009 стандарти автокомпонентларни лойиҳалаш, ишлаб чиқариш ва етказиб бериш жараёнларига таъаллуқли бўлиб, автосаноат корхоналарида муҳим ўрин тутди.

1.2. Сифат менеджменти тизимига қўйилган талаблар ва процедура ҳужжатлари

Корхонанинг фаолиятини истеъмолчининг хошиш истаклари, талаби ва эҳтиёжларини унга керакли махсулотга айлантирувчи турли жараёнлардан ташкил топганлигини тасаввур килишимиз мумкин.


Ушбу ишни бир маромда бўлишини таъминлаш ва кутилган натижаларга эришиш учун корхона фаолият турларига киришини (материаллар, маълумотлар), чикишга (махсулот, хизмат, кайта ишланган маълумотлар) айлантирувчи жараён сифатида караш талаб этилади. Хар бир жараённи бажаришда унга керакли ресурслар (маблаг, моддий, маънавий ва бошка) билан таъминланганлик талаб этилади. Иш жараёнлари натижалар берадиган узвий боглик тартибда бориши лозим.



Сифат менежмент тизимида ҳар қандай жараёни бошқаришни қуйидагича амалга ошириш мумкин:

- режалаштириш
- бажариш
- текшириш
- кейинги амални бажариш


Бу кетма-кетлик ДЕМИНГ цикли дейилади ёки **PDCA** (Plan, Do, Check, Act)



СИФАТ МЕНЕЖМЕНТИ ТИЗИМИ ХУЖЖАТЛАРИ

Барча ходимлар уз ишларини бир-хил тугри тушунишлари ва бажаришлари учун сифат менежменти тизими хужжатлаштирилади.

Сифат менежменти тизими хужжатлари тузилиши тартиби:



1. Сифат сиёсати
2. Сифат буйича кулланма
3. Процедуралар. Стандартлар
4. Ишчи йорикномалар, хисоботлар, далолатномалар, журналлар ва бошка маълумотлар.

СИФАТ МЕНЕЖМЕНТИ ТИЗИМИ ХУЖЖАТЛАРИ ЎЗ ИЧИГА КАНДАЙ МАЪЛУМОТЛАРНИ ОЛАДИ?

СИФАТ СИЁСАТИ – корхонанинг ўз олдига қўйган мақсади ва унга етишиш учун керакли манбаларнинг қисқача баёни.

СИФАТ БЎЙИЧА ҚЎЛЛАНМА – корхонанинг сифат менежмент тизимини ёритиб берувчи ҳужжат. (яъни сифат тизими қандай фаолият турларини ўз ичига олади, иш жараёнлари қандай бир-бирига боғлиқ, қандай ҳужжатлар бор ва бошқалар)

ПРОЦЕДУРАЛАР – фаолиятнинг бажарилиш тартибини белгиловчи ҳужжатлар (яъни корхона стандартлари, низомлар, технологик ҳужжатлар)

ИШЧИ ЙЎРИҚНОМАЛАР – аниқ жойда ва маълум жараёни бажариш тартибини белгиловчи ҳужжатлар.

СИФАТГА ДОИР ЁЗУВЛАР – журналлар, далолатномалар, актлар, хисоботлар, назорат варақлари ва бошқа ҳужжатлар.

Сифат менежменти тизими нафақат сизнинг ишингизга талаб ўрнатибгина қолмай, балки бутун ходимлар фаолиятини белгилайди.

Яъни раҳбарлардан бошлаб,

- *директор,*
- *директор ўринбосарлари,*
- *бўлим раҳбарлари,*
- *цех раҳбарлари,*
- *секция раҳбарлари,*
- *гуруҳ раҳбарлари,*
- *инженер-техник ходимлар,*
- *ишчилар,*
- *фаррошларгача.*

РАХБАРИЯТНИНГ МАЪСУЛИЯТЛАРИ.

Юкори рахбарият (директор ва унинг ўринбосарлари) сифат менежменти тизимини яратиш, жорий килиш ва такомиллаштиришда ўзларига аниқ жавобгарликни олишлари лозим.

БОШ ВАЗИФА – корхонанинг сифат сиёсати ва мақсадини аниқлаш ва ишлаб чиқариш.

Сифат Сиёсати ва Мақсади ўзи нима?

СИФАТ СИЁСАТИ – бу корхонанинг асосий кўзлаган мақсади ва фаолияти.

МАКСАДЛАР – аниқ даврни ичида бажарилиши лозим бўлган фаолият.

Мақсад бутун корхона учун аникланиб, барча бўлим ва иш жараёнига ёйилади. Корхонанинг бош мақсади асосида бўлимлар ва барча иш жараёнлари ўз мақсадларини ишлаб чиқади.

Хар биримиз Сифат Сиёсати ва Мақсадини билишимиз ва ушбу мақсадларга эришишда ўз ўрнимизни аниқлашимиз шарт.

СИФАТ МЕНЕЖМЕНТИ ТИЗИМИНИНГ РАХБАРИЯТ ТОМОНИДАН ТАХЛИЛИ.

Рохбарият томонидан сифат менежменти тизимини ишлашини таъминлашда мунтазам равишда бажарилаётган ишларни тахлил килиш ва тизимни такомиллаштириш учун ўзгартиришлар киритиб бориш лозим.

РЕСУРСЛАРНИ БОШКАРИШ

Сифат Сиёсатини бажариш ва Мақсадларига эришиш учун **РЕСУРСЛАРНИ** ажратиш (топиш) лозим.

Бу ресурсларга қўйидагилар киради:

инсонлар, инфратузилма (бино, асбоб-жихозлар), ишлаб чиқариш мухити ва бошқалар.

ИНСОН РЕСУРСЛАРИ.

Корхона учун энг зарур ресурс – ўқимишли, малакали ва тажрибали ишчи ходимлар ҳисобланади. Корхонанинг ривожланиши ва муваффақиятли фаолият юритиши учун ходимларни ўқитиш ва қайта тайёрлашни режалаштириш ва амалга ошириш лозим.

Ходимларни лаёқати турт талабдан иборат бўлиб, уни: - маълумот, тажриба, тайёргарлик ва малака ташкил қилади.

СИФАТНИ СИФАТЛИ ИНСОНЛАР ЯРАТАДИ.

Инсонлардаги ишончсиз муносабат билан ишончли маҳсулот яратиб бўлмайди. Хуллас, инсон бирламчи ва агарда биз сифатни яратувчи инсонни кўрмасак ва эшитмасак, биз ҳеч нарсага эриша олмаймиз.

ИНФРАТУЗИЛМА. ИШЛАБ ЧИКАРИШ МУХИТИ.

Озода бўлмаган иш жойлари ва бузук ускуна-жихозлар билан сифатли маҳсулот тайёрлаб бўлмайди.

Бунинг учун ёрдамчи воситалар, ускуна-жихозлар, транспорт воситалар ва ишжойларни ўз вақтида таъмирлашни режалаштириш ва бажариш, ҳамда замонавий ускуна-жихозлар харид қилиш, ишлаб чиқариш муҳитини талаб даражасида сақлаш зарур бўлади.

МАХСУЛОТНИ ИШЛАБ ЧИКАРИШ ЖАРАЁНИ.

Маҳсулотни яратиш – бу ишда корхонанинг барча ишчи-ҳодимлари иштирок этади ва ушбу жараён истеъмолчи нимани хоҳлашини ўрганишдан бошланади.

Маҳсулотни яратиш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- истеъмолчи ва бозор талабларини ўрганиш;
- маҳсулотни лойиҳалаш ва ишлаб чиқаришга тадбик қилиш;
- режалаш ва жараёнларга тадбиклаш;
- таъминот;
- ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш;
- назорат, кузатиш ва синовлар ўтказиш;

- жойлаш ва саклаш;
- етказиш ва сотиш;
- йигиш ва ишлатиш;
- техник ёрдам ва хизмат кўрсатиш;
- сотувдан кейинги изланиш;
- қайта ишлатиш ёки умуман фойдаланишдан чиқариш.

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР БИЛАН АЛОКАДОРЛИК ЖАРАЁНИ

Куйидагиларни аниқлаш зарур:

- истеъмолчини нимани хоҳлайди (уни овозини эшитиш);
- давлат нимани талаб қилади (мисол, хавфсизлик талаби);
- биз бу талабларни бажара оламизми?

Истеъмолчи ички ва ташқи булиши мумкин.

Истеъмолчини жалб этишда – унинг фикрига диққат билан эътибор бериш миннатдорчилик билдириш, тилаклар исхор қилиш, рекламалар қилиш ва бошқалар катта ёрдам бериши мумкин.

Ёдингизда булсин истеъмолчи – бу нафакат Сиз тайёрлаётган охириги махсулотни харид қилувчи булиб қолмай, балки сизнинг меҳнатингиз билан яратилаётган махсулотга қўшаётган хиссани олаётган (кейинги участка, цех ва бошқалар) булиши мумкин.

ЛОЙИХАЛАШТИРИШ ВА ТАДБИҚЛАШ

Махсулотнинг яратишдан кейинги босқич бу – лойихалаш ҳужжатларини ишлаб чиқишдир.

Сифат менежмент тизими, махсулотни лойихалаш ишларини режа асосида бажаришни талаб қилади ва белгилайди:

- ишни лойихалаш, бажариш босқичи;
- лойихани ким ва қачон таҳлил (анализ) ўтказди, текширади ва тасдиқлайди;

Лойихалаш натижалари-истеъмолчи талаблари ҳисобга олинган чизмалар.

ХАРИД КИЛИШ

Кейинги босқич харид килиш бўлиб, унда асосий хом-ашё, иккиламчи хом-ашё, бутловчи қисмлар ва бошқа материаллар сотиб олинади.

Бу жараён ҳам ўзига хос талабларга эга.

Барча сотиб олинadиган махсулотлар сифатли бўлиши лозим.

Бунинг учун нималар зарур?

- талаб асосида махсулот етказиб берувчини баҳолаш ва танлашингиз зарур;
- сифатига ишонмаган харид махсулотни текшириш. Бунинг учун қабул килиш назорати урнатиш ёки махсулот ишлаб чиқарилаётган жойида ўз вакилларингиз назоратини ўрнатишингиз лозим.

ТАЛАБГА МУВОФИК МАХСУЛОТНИ САКЛАШ


Талабга мувофик махсулотни ички ишлов бериш жараёнида ва белгиланган жойга етказиб беришда, уларни химоялаш чораларини кўриш лозим.

Бунинг учун тайёр ва тайёрланаётган махсулотларни қандай транспортировка килиш, жойлаш, сақлаш шароити ва муддати талабларини аниқлаш зарур бўлади.

НАЗОРАТ ВА ЎЛЧАШ ВОСИТАЛАРИНИ БОШҚАРИШ

Қорхона махсулот ишлаб чиқаришга ва қабул килишга зарур бўлган ўлчаш (синаш жиҳозлари, приборлар, калибрлар ва бошқа) воситаларини аниқлаши лозим. Барча назорат, ўлчаш ва синаш воситаларини белгиланган давр оралигида қиёслашдан ёки калибровкашдан (бунда ярқли ёки ярқсизга ажратилади) ўтказиб туриш лозим.

Ишлатишга ярқли ўлчов ва синов воситаларини қарқсиз созлаш ва шикастланишдан химоялаш лозим.



Ўлчаш, таҳлил қилиш ва такомиллаштириш.

ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ ЭХТИЁЖЛАРИНИ КОНДИРИШ.

Истеъмолчининг махсулотга бўлган муносабатини билиш ва корхонани тўла ўрганиш СИФАТ МЕНЕЖМЕНТИ тизимининг баҳолаш ишларидан бири ҳисобланади.

Қуйидагиларни билиш зарур:

- истеъмолчи нимани уйлаяпти;
- бу қандай аниқланади;
- бу маълумотлар қандай тўпланади (ким, қайси, қачон);
- таҳлил натижаларидан қандай фойдаланилади;

Барча тўпланган маълумотлар такомиллаштиришда фойдаланиш учун таҳлил қилиниши лозим.

Истеъмолчилардан шикоятлар ва даволар бўлмаслиги уларнинг талаби қондирилганлигини билдирмайди.

Ёдингизда бўлсин:

- Истеъмолчи билан ишлаш Сизнинг асосий ишингиздир.

ИЧКИ АУДИТЛАР

Сифат менежменти тизимини таъминлаш, ривожлантириш ва такомиллаштириб бориш учун корхонада даврий равишда ички аудит (текширув) лар ўтказиб турилиши лозим.

Корхонада ички аудитларни махсус ўқитилган ва тайёргарлик кўрган мутахассислар ўтказадилар.

Аудит даврида сифат борасида қўйилган мақсадларга эришилаётганлик, корхона стандартларига амал қилиниши аникланади. Барча бўлимлар, жараёнлар, иш жойлари, махсулот ва бошқалар текширилади.

Аудит натижалари асосида ҳисобот тайёрланади.

Агар номувофиклик аниқланса, жавобгар шахс томонидан уни тузатувчи ва йўқотувчи чоралар ишлаб чиқилади.

Аудиторлар текшираётган жараён (бўлим) га тизимни такомиллаштиришга оид ўз таклифларини маслаҳатчи сифатида беришлари мумкин.

МАХСУЛОТЛАРНИ КУЗАТИШ ВА ЎЛЧАШ

Сифат менежмент тизимида барча жараёнлар кузатилиб (мониторинг) борилиши лозим.

Хар бир жараён натижасида махсулот (хизмат) яратилади, демак уни доимо кузатиб ва ўлчаб бориш талаб этилади.

Ўлчаш ишларини нафакат истеъмолчига юбориладиган махсулотларда, балки хом ашёни қабул қилишдан бошлаб, хар бир тайёрланиш жараёнида ўтказиш талаб этилади. Бу ўз навбатида номувофик махсулотлар пайдо бўлишининг олдини олади.

МАЪЛУМОТЛАР ТАХЛИЛИ

Тўғри қарорлар қабул қилиниши учун корхонанинг хар бир ходими томонидан тўпланадиган ва аниқ маълумотлар керак бўлади.

Корхонада барча маълумотлар қаторида қуйидагилар ҳам тўпланиши ва таҳлил қилиниши лозим:

- истеъмолчининг қониқаётганлиги ҳақида;
- жараёнларнинг ишлаш натижалари ҳақида;
- махсулотнинг сифати ҳақида;
- номувофикларнинг сони ва тавсифи;

- нуксонлар даражаси ва бошқалар хақида;
Тўпланган маълумотлар асосида:
- СМТ нинг кучли ва кучсиз томонлари аниқланиши;
- такомиллаштириш омилларининг топилиши;
- ходимларни ўқитиш, технологияни ўзгартириши, жихозларни таъмирлаш ёки янгиларини сотиб олиниши тўғрисида қарорлар қабул қилиниши лозим.

ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Корхона ўз сифат менежменти тизимини доимо такомиллаштириб бориши лозим.

Бунинг учун даврий равишда янги сифат мақсадини ўз олдига қўйиши, ички аудитлар ўтказиб туриши, маълумотларни ўз вақтида таҳлил қилиши ҳамда тузатувчи ва олдини оловчи ишларни бажариб бориши лозим.

ТУЗАТУВЧИ ВА ОЛДИНИ ОЛУВЧИ АМАЛЛАР.

Агар ишда номувофиклик чиккан (топилган) бўлса, уни фақат тузатиш чораси кўриш билан чекланиб қолмай, пайдо бўлиш сабабларини аниқлаш ва йўқотиш лозим. Тузатувчи чораларни ишлаб чиқиш аҳамияти айибдорни топиш бўлмай, балки номувофиклик сабабларини йўқотишдир.

Бундан ташқари номувофиклик кўлам даражасини аниқлаш ва номувофикликка олиб келувчи сабабларни олдиндан йўқотиш лозим.

ТАЪРИФ (аниклик)лар ISO 9000:2000

Сифат – қўйилган талаб тавсифининг мувофиклик даражаси.

Истеъмолчини қондириш – истеъмолчи хоҳлаган талабларни бажарилиш даражаси.

Сифат менежмент тизими – корхонани сифат борасида бошқаришга қаратилган менежмент тизими.

Жараён – киришни чикишга айлантирувчи фаолият турлари йигиндиси.

Огохлантирувчи чоралар (предупреждающее действие) – содир бўлиши мумкин бўлган номувофиклик ёки нохуш ҳолатнинг сабабини олдини олиш.

Тузатувчи чоралар – (корректирующее действие) – содир бўлган номувофиклик ёки нохуш ҳолатнинг сабабини йўқотиш учун амалга оширилган чоралар.

Аудит – бу тартибли, мустакил ва текширувда олинган маълумотлар асосида ва келишилган мезон даражасида жараёни ҳаққоний баҳолаш.

Номувофиклик (несоответствие) – талабларнинг бажарилмаслиги.

Ёзув – эришилган натижалар ёки фаолиятнинг бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Кузатувчанлик (прослеживаемость) – кўрилаётган маҳсулот (жараён) ни тарихини, ишлатилишини, жойланишини кузатиб бориш имконияти (мисол учун маҳсулотнинг яратилиш тарихини кузатиб бориш).

Белгилаш (идентификация) – белги қўйиш (мисол учун ракамлаш, ёрликлаш, муҳрлаш ва бошқа).

Кузатиш (мониторинг) – назорат қилиш мақсадида кузатиб бориш.

Таҳлил (анализ) – кўрилаётган жараёнда мақсадга эришиш учун ўрнатилган яроқлилиқ, лаёқат ва натижаларни ўрганиш.

Назорат (контроль) – жараёни синаш, ўлчаш ва қолибровкалаш орқали кузатиш ва муҳофафа қилиш билан баҳолаш.

Директорнинг 7 «МЕН» сўзи

Директор етти марта «МЕН» сўзини айтиши лозим.

- **МЕН** сифатни биринчи рақамли мақсадим деб эълон киламан.
- **МЕН** сифат бўйича сифат сиёсати ва мақсадини ишлаб чиқишга бошчилик киламан.
- **МЕН** сифат менежменти тизимини ишлаб чиқишни ташкил этишга керакли маблағ ажратаман ва юкори рахбарият ичидан сифат тизимига масъул рахбарни тайинлайман.
- **МЕН** сифат менежмент тизими талабларини аниқлайман.
- **МЕН** сифат менежмент тизимини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш асосидаги ҳар томонлама баҳолашларни назорат ва қабул қилиб бораман.
- **МЕН** аудиторлар ҳисоботи асосида сифат менежмент тизимини самарали бошқараман.
- **МЕН** сифат менежмент тизими жараёнларини такомиллаштиришга бошчилик киламан.

Ишчининг 7 «МЕН» сўзи

- **МЕН** сифат сиёсати ва мақсадини биламан.
- **МЕН** сифат бўйича қўйилган мақсадга эришишни биламан ва ўз истеъморчим (харидорим) талабларини бажараман.
- **МЕН** иш бошлашдан олдин ўз иш қуролларимни (ускуналар, қурилмалар, приборлар ва ўлчов воситалар) созлигига ишонч ҳосил киламан, сўнг ишни бошлайман.
- **МЕН** ўз иш жойимда топилган ҳар қандай номувофик (нуксонларни) нарсаларни ўз вақтида айтаман.
- **МЕН** номувофик маҳсулотни кейинги жараёнга ўтказмайман.
- **МЕН** ўз истеъморчим (харидорим) фикрини қимматли деб биламан.
- **МЕН** сифатни такомиллаштиришга доим тайёрман.

1.3. Халқаро стандартларни жорий қилишдан мақсад ва уни афзаллик томонлари

Стандартни жорий қилишдан мақсад

- Шартнома тузишда бизнес ҳамкорлар ва истеъмолчиларни талаблари;
- Шартномалар имзолашга олиб келадиган тендерлар, конкурслар ва бошқа шунга ўхшаш тадбирларда иштирок этиш учун замин;
- Давлат буюртмасини, имтиёзли кредит ёки суғурта олиш учун , - Юқори раҳбарият ёки корхона таъсисчиларини , маҳсулот ишлаб чиқариш шароитлари халқаро талабларга жавоб берилишида замин яратишга тушунган ҳолда ёндашуви.

Халқаро стандартларни жорий қилишни афзаллик томонлари

1. Маҳсулот (хизмат) ни мунтазам реализация қилинишини таъминлайди:

- Рақобатбардошлигини ва сифатини оширади;
- Истеъмолчи ва жамиятни қониққанлигини таъминлайди;
- Халқаро бозорга чиқиш имконини оширади;
- Жамият ва Истеъмолчилар олдида имиджини яхшилайдди.

2. Бошқарув маданиятини оширади,

Қуйидагиларни яхшилайдди:

- Мақсадларга эришишда кетма-кетликни;
- Ходимларни жалб қилиш ва рағбатлантиришни;
- Вақт ва ресурсларни ишлатилишини.

3. Маҳсулот (хизмат) ишлаб чиқаришга бўлган сарф-харажатларни камайтиради:

- Брак маҳсулотлардан келиб тушаётган йўқотишларни камайтиради;
- хатоликлар , ўзгартиришлар , рекламациялар ва эътирозлар камаяди;

- Утилизация ва чиқиндиларни жойлаштиришдаги йўқотишлар ва харажатлар камаяди;
- Эксплуатация харажатларини камайтиради.

1.4. Етакчи хорижий компанияларда сифатни таъминлаш ва бошқариш тажрибаси

Замонавий сифат таъминлаш ва бошқариш - бу XX - асрнинг иккинчи ярмида йирик хорижий корпорациялар буюртмаси билан сифатни бошқариш дастурлари бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижаларидир.

1950-1980 - йилларда машхур «Хьюлет-Паккард», «Форд», «Дженерал Моторс» ва бир қатор бошқа корпорациялар сиёсатига Э. Деминг, Ф. Кросби, К. Исикава, Ж. Журан, А. Фейгенбаум тадқиқотлари ва изланишлари таъсир кўрсатган.

Сифатни таъминлаш ва бошқариш соҳасида етакчи хорижий компаниялар фаолияти асосий йўналишлари қуйидагича:

- олий раҳбариятни қизиқиши,
- сифат яхшилаш бўйича доимий ишлайдиган кенгашлар,
- раҳбариятнинг сифатни яхшилаш фаолиятига жалб қилиниши,
- бошқарув тизимларнинг самарасини ва иш сифатини ошириш,
- узоқ муддатга мўлжалланган ишларни яхшилаш стратегиясини барпо этиш ва қисқа муддатли режалаштиришни йўлга қўйиш,
- гуруҳлар фаолиятини йўлга қўйиш,
- жараёнларни такомиллаштириш гуруҳлари ишини ривожлантириш.

1970 - йиллардан бошланиб истеъмолчиларнинг корхоналарга таъсири кучайиб, ишлаб чиқарувчилар жамиятнинг фикри ва қизиқишларини кўпроқ инобатга олиш бошланди. Маҳсулот хавфсизлиги ва атроф-муҳитни сақлаш талаблари ўрнатилди - бу ҳаракат ISO 9001 ва ISO 14001 халқаро стандартлар пайдо бўлишига олиб келди. Маҳсулот сифатини, ишлаб чиқаришни самарадорлигини таъминлашда инсон омили - корхона ходимлари эҳтиёжлари қондирилишига эътибор кучайди.

Автомобилсозликда АҚШнинг «Катта учлиги» - Дженерал Моторс, Форд ва Крайслер томонидан 1990 йилга бориб QS 9000 «Сифат тизимларига талаблар» тармоқ стандартлари яратилди (1994 йили -иккинчи, такомиллаштирилган наشري).

ISO 9000 халқаро стандартлар асосида яратилган ушбу стандарт ўз таркибига тармоққа хос хусусиятлари - маҳсулот оммавийлиги, юқори мураккаблиги, тез ўзгарувчанлиги, юқори хавфсизлик талабларига мос келишлиги, вақтида етказилишлик талаби ва бошқалар, уни яратган компаниялар нуқтаи назаридан қўйиладиган талабларни мужассам этган, ва стандартни яратган корпорацияларнинг алоҳида талабларини инобатга олинган ҳолда кучайтирилган.

Ушбу талабларга АҚШнинг Фарбида жойлашган ва Дженерал Моторс, Форд, Крайслер ва яна бир қатор хорижий автомобил ишлаб чиқарувчи корхоналарга бутловчи қисмлар етказиб берувчи «Дана» корпорацияси жавоб беради.

Бир йилда 10 млрд.долларгача (1998 йил натижаси) хажмда бутловчи қисмларни етказиб берадиган ушбу корпорация ташкилий таркибида бошқарма (штаб - квартира), заводлар, ва бўлинмаларига эга.

Корпорация бошқарувида ходимларни сифатни таъминлаш учун алоҳида ўқитиш маркази мавжуд.

Ҳар бир заводда, марказлаштирилган сифатни бошқарув тизимида қўшимча равишда, ўзининг завод сифат бўйича менеджери бор ва 2 гуруҳ ходимлар сифат таъминлаш соҳасида ишлайди.


1 гуруҳ - бу кириш назорати гуруҳи - заводда ишлатиладиган бутловчи қисмлар, хом ашё ва материаллар сифатини текшириб, уларни ишлатишга тайёрлигини аниқлайди.

2 гуруҳ - назоратчилар гуруҳи - ишлаб чиқариш жараёнларини сифатли натижасини таъминлаш билан банд.

Юқори раҳбарият, завод раҳбарияти, сифатни таъминлаш хизмати раҳбарияти - бошқарма ва завод даражасида, ўртасида аниқ чегараланган вазифа ва маъсулиятлар бўлинган.

Компаниянинг барча заводларида ходимларни тайёрлаш, сифатни таъминлаш жараёнлари ҳамда сифатни яхшилашга бўлган ёндошув бир хил бўлган.

Сифат назоратида статистик усуллар компанияда 1980 йили жорий этилган эди (1.3 – чизма).



1.3- чизма. Корхонада сифат бошқаруви усуллари жорий этиш

1984 йили сифат тўғараклари фаолияти бошланган эди, аммо сифат менеджерлари улар фаолияти самарасиз деб, уларга ёрдам бермаган ва 2 йилдан сўнг сифат тўғараклари фаолияти амалда тўхтаган эди.

Аммо бошқа корхоналар тажрибасидан келиб чиққан холда, сифат тўғараклари фаолияти 1989 йили қайта тикланган эди.

1985 йилдан бошлаб шахсий рационализаторлик фаолиятга кенг йўл очилган, «таклифлар учун қутичалар» тизими иш бошлаган. Завод сифат менеджерлари аниқлашича, 80% сифатга таълуқли таклифлар ҳаётга

тадбиқ этилган, бу эса барча таклифларнинг - 40% ни ташкил этган. Ўтказилган тадқиқотлар ҳам, таклифлар тизимини юқори самарадорлигидан далолат берди.

Японияда автомобиль ишлаб чиқарувчи «Тойота» корпорациясида сифатни таъминлаш ва бошқариш қуйидагича ташкил этилган.

«Тойота» корпорацияси корхоналарида маҳсулот сифатини таъминлаш ва шу билан боғлиқ фаолият ҳар бир бўлим ва ҳар бир бошқариш даражасида олиб бориш тамойили асосида қўрилган. Бундан ташқари, ҳар бир бўлимнинг сифат фаолиятини режалашда бошқа бўлимлар фаолият томонидан қўллаб-қувватланиши инобатга олинган.

Корхоналарда сифатни таъминлаш маъсулияти функционал - сифат бўйича мажлисларга юклатилган. Шу мажлислар ҳар хил маъсул бўлимлар фаолиятини мувофиқлаштиради ва бўлимлараро фаолиятини ва алоқаларни ташкил этади.

Ушбу мажлислар одатда корхонани барча директорларини мужассамлаган ва қуйидаги асосий йўналишларга тааллуқли муаммолар кўриб чиқилади:

- таннарх пасайтирилиши,
- ишлаб чиқаришни бошқариш,
- сифатни таъминлаш ва бошқариш.

Тахлиллар натижасида бошқарув қарорлар қабул қилинади ва улар ҳар бир бўлим учун шартсиз равишда бажаришга мўлжалланган режалар сифатида етказилади. Бунда бир хиллик даражасини таъминлашда сифат менежменти ва халқаро стандартлари алоҳида ўринга эга.

1.5. Автомобилсозликда сифат менежменти халқаро стандартлари

Хозирги автомобилсозликда маҳсулот сифатини ошириш - бу биринчи ўринда сифат тизимини яратиш, уни ривожлантириш ва замонавий талабларга жавоб беришига ишонч ҳосил қилишдир. Бу эса умумжаҳон миқёсида тан олинган ташкилот томонидан Халқаро стандартлар бўйича сертификациялаштириш деганидир. Сертификатлаштириш бу Халқаро стандарт асосида сифат соҳасида ишларни ташкил этиш, юқори самарадорликка эришиш мақсадида корхонани янги даражага кўтариш учун бир босқич ва бир йўналиш бўлиши керак.

Бугунги кунда бир қатор ишлаб чиқарувчи корхоналар ISO 9001:2008 Халқаро сертификатини олишга интилишмоқда.

ISO 9001:2008 Халқаро стандарти ҳақида гапирар эканмиз, ISO сўзи инглизча International Organization for standartization, яъни Стандартлаштириш бўйича Халқаро Ташкилот деганидир. Ушбу ташкилот 1946 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг стандартларни мувофиқлаштириш қўмитаси томонидан Халқаро иқтисодий ҳамжамиятликни ошириш мақсадида ташкил этилган.

Ташкилотнинг Низомида қуйидагилар ёзилган: «Бу ташкилотнинг асосий мақсади - стандартлаштиришни жаҳон миқёсида ривожлантиришга ёрдам кўрсатишдир. Шўу билан бирга Халқаро товар айрибошлашни ва ўзаро ёрдамларни осонлаштириш, қолаверса, амалий, илмий, техник ва иқтисодий соҳалардаги фаолиятда ҳамкорликни кенгайтиришдан иборат».

ISO 9001:2008 Халқаро стандарти ушбу ташкилот томонидан ишлаб чиқилган асосий стандартлардан бири бўлиб, ISO 9000 «Сифатни бошқариш

ва сифатни таъминлаш соҳасидаги стандартлар» номидаги Халқаро стандартларнинг таркибий қисмидир.

ISO 9001:2008 «Сифат тизими. Лойиҳалаштиришда, ишлаб чиқаришда, монтаж қилишда ва хизмат кўрсатишда сифатни таъминлаш модели» деб номланади. Стандарт номидан кўриниб турибдики, маҳсулот сифатини таъминлаш тизимини ишлаб чиқаришга қабул қилган корхоналар маҳсулот ҳаёт циклининг барча босқичларида, яъни лойиҳалаштиришдан то маҳсулотдан фойдалангунга қадар ва хатто уни утилизация қилишгача (иккиламчи материалар қилиб йўқотиб юборгунга қадар) ўз ичига қамраб олади.

Жаҳон миқёсида рақобатнинг ўсиб бориши сифатга бўлган талабни ошишига олиб келади. ISO 9000 стандартларидан корхоналарнинг ўзаро ҳамкорлигида маҳсулот сифатини таъминловчи тизим яратишда ва сифат тизимини баҳолаш мақсадида фойдаланилади. Агар корхонанинг сифат тизими ISO 9000 стандартларига мос келса, демак, бу корхона шартнома талабларини бажара олади, шу билан бирга маҳсулот сифатини керакли даражада таъминлайди.

Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда, “GM-Uzbekistan” ЁАЖ («УзДЭУавто»ЁТХЖ) да 1999 йилда катта хажмда тайёргарлик ишлари олиб борилиб, ўз сифат тизими барпо этилиб, ISO 9001:1994 сертификатини олишга мувофиқ бўлинган.

Аммо, замонавий иқтисодиётдаги ўзгаришлар ушбу стандартни такомиллаштирилишига олиб келди ва 2002 йилда корхона раҳбарияти янги ISO 9001:2008 стандарт бўйича сертификат олишни маъқул кўрган.

ISO 9001:2008 сертификатни олиш орқали қуйидаги натижаларга эришилди:

Биринчидан, сертификация тайёрланиш босқичида, корхонанинг барча ходимлари замонавий бошқарув тизими барпо этиш жараёнига жалб этилди. Бу эса ўз-ўзидан яхши натижа беради, чунки маҳсулотнинг сифати бир қатор омилларга боғлиқ. Шунинг учун корхонада барча иш жараёнлари

(режалаштириш, харид этиш, лойихалаштириш, ходимлар тайёрлаш, ишлаб чиқариш, сифатни назорат қилиш, сотув, техник хизмат кўрсатиш ва бошқалар) аниқланиб, уларни ёйиб ҳужжатлар яратилган. Ҳар бир ходим, ҳар бир бўлим ва бўлинманинг сифатни таъминлашда масъулияти аниқланган ҳамда ҳужжатларни бошқариш тизими яратилган эди.

Иккинчидан, ISO 9001:2008 сертификати борлигини ўзи корхонанинг жаҳон бозоридаги обрўсини оширади, корхонада юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаганлигини билдиради.

Учинчидан, тайёргарлик даврида аниқланган камчиликлар бартараф этилган, уларни қайта чиқармасликка қаратилган чора-тадбирлар жорий этилган ва ушбу фаолиятни инобатга олган ҳолда корхона сифатни бошқариш тизимини ISO 9001:2008 Халқаро стандарт талабларига мос деб топилган.

Олинган тажрибадан келиб чиққан ҳолда, ISO стандартлари бўйича сертификат олишни мақсад қилган ҳар бир корхонанинг эътиборини қуйидагиларга қаратмоқчимиз:

1. Ўз маҳсулоти истеъмолчиларини талаблари қондирилишини назорат этиб бориш;
2. Маҳсулот сифати барча ўрнатилган талабларга жавоб беришини таъминлаш;
3. Корхона фаолиятини доимий яхшиланиб боришига қаратилган чора-тадбирлар ўтказиш;
4. Корхона фаолиятида Халқаро, миллий, тармоқ ва корхона ички стандартларини сўзсиз ижро этилиши таъминланиши;
5. Корхона ички иш стандартлари ва жараёнларга бўлган талабларни мувофиқлаштириш;
6. Ўз ходимларини ички стандартларга ўқитиш;
7. Уларни ички стандартларни билишини баҳолаш;
8. Ходимлардан ички стандартлар талабига биноан, иш жараёнларини ташкил этишни талаб этиш;

9. Ўз фаолиятига тегишли ички стандартлар талабларини соддалаштириш ва иш жараёнига яқинлаштириш;
10. Келишмовчиликларни олдини олишда тизимли ёндашув асосида корхона миқёсидаги камчиликларни олдини олиш;
11. Доимий равишда ўз ходимларини ўқитиш ва ривожлантиришга қаратилган фаолият олиб бориш.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ISO сериясидаги халқаро стандартлар, шу жумладан, ISO/Ts 16949:2009 стандарти бўйича сертификация бу кўп маблағ ва катта ҳаракат талаб этадиган жараёндир ва сифат тизими самарадорлигини таъминлаш нафақат автомобиль йиғув корхонаси балки автомобиль бутловчи қисмлар етказувчи корхоналарда сифат тизимини шакллантириш талаб этилади.

II - Боб

					5310900 МСМСМ						
					II-Боб	Лит			Масса	Масш.	
Узе	Варақ	Хужжат №	Имзо	Сана		у					
Бажарди		Исмоилов.Ў.М									
Рахбар.		Қосимов.Б.И									
Каф.муд		Эсонова.Ш.				Варақ			Варақлар		
Маслаҳ.						АМИ “МСМСМ” фак. гр. 091 МСМСМ					
Тасдиқ.											

41

II-БОБ. АВТОМОБИЛСОЗЛИКДА O'zDSt ISO 9001:2009 ХАЛҚАРО СТАНДАРТИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

2.1. ЎзАвтосаноат тизимидаги қўшма корхоналарининг ўзига хос хусусиятлари

Янги иқтисодий шароитларда, яъни жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви ва эркин бозор шароитлари устунлик қилаётган даврда, жаҳон саноати, жумладан, автомобилсозликда рақобат кучайиб бориши, автомобиль ишлаб чиқарувчиларга ўз маҳсулотини ҳар томонлама такомиллаштириш ва шу қаторда ишлаб чиқариш жараёнларини оптималлаштириш (лойиҳалаш жараёнидан бошлаб то сотиш логистикасигача) йўлидан боришга мажбур қилмоқда.

Ушбу талаблар автокомпонентларни ишлаб чиқарувчи корхоналарга ҳам қўйилмоқда, чунки уларнинг маҳсулоти автомобилдек техник мураккаб маҳсулот сифатига катта таъсир қилади. Бугунги кунда автомобилсозликда юқори сифатли компонентланувчиларни моҳияти юқори даражага қўтарилмоқда. Ҳозирда ишлаб чиқарилган автомобилларнинг тахминан 75% ини харид қилинган компонентлар ташкил этганлиги, автомобиль 22-25 минг деталдан ташкил топганлиги, бу деталлар жуда мураккаб ва қимматлиги сабабли автомобилсозликда маҳсулотнинг сифати - бу ишлаб чиқарувчи ва таъминотчиларни биргаликда ҳал қиладиган масаласидир.

Замонавий бозорга ўтиш шароитида ишлаб чиқариш корхоналари миллий иқтисодиётнинг асоси ҳисобланади ва уларнинг рақобатбардошлиги бу миллий рақобатбардошликнинг асосидир, унга эришиш эса ҳозирда ўта долзарб мавзудир ва бунга бир қатор асослар бор.

Фан-техника ва ишлаб чиқариш тараққиёти натижасида ҳозирги ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш бир қатор катта ўзгаришларга дуч келиб, илгаригидан сезиларли даражада ажралиб туради.

Ҳорижий тадқиқотчилар ва ишлаб чиқариш тажрибасидан келиб чиққан ҳолда айтишимиз мумкинки, замонавий ишлаб чиқаришга хос хусусиятлар қуйидагича:

1. Оммавий, аммо шу билан бирга мослашувчан ишлаб чиқариш;
2. Сифатга талаб;
3. Экспортга йўналтириш;
4. Ички ва ташқи рақобатбардошлик - маҳаллий ва глобал бозорда;
5. Маҳсулотнинг умр цикли қисқариши;
6. Унумдорлик ва самарадорлик.

Замонавий ишлаб чиқаришда технологиялар ривожланиши таъсирида қуйидаги ўзгаришлар кузатилмоқда:

- мослашувчан ишлаб чиқариш;
- робот ва автоматлаштирилган ишлаб чиқариш линияларидан кенг фойдаланиш;
- компьютерлаштирилган CAD/CAM/CAE лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш;
- инновациялар маҳсулот ва технологияларда.

Ишлаб чиқариш соҳасига оид катта ўзгаришлар бўлмоқда мисол:

- Just-in Time ва Kanban усуллари жорий этиш;
- TQM сифатни оммавий равишда бошқариш;
- ишлаб чиқаришни бошқаришда кенг миқдорда компьютерлардан фойдаланиш;
- жараёнларнинг статистик бошқаруви усуллари қўллаш;
- маҳсулот ҳаёт циклини тўла бошқариш CALS технологиялари;
- партисипатив (жалб этиш) менежменти;
- инсон ресурсларини бошқариш усуллари;
- иш кучини барқарорлаштириш ва бошқалар.

Замонавий ишлаб чиқаришга XX асрда автомобиль саноати ривожланиши ва япон автомобилсозлигида яратилган янги бошқарув унсурлари ва усуллари таъсири низоҳатда кучли бўлган ва ҳозирги кунда нафақат автомобилсозлик, балки барча соҳа корхоналарида, корхоналар ўртасидаги муносабатларда чуқур ва кескин ўзгаришларга сабаб бўлмоқда.

Корхоналар фаолияти ва тузилишининг ҳар хил қирраларига оид ўзгаришлар 1.1 - жадвалда келтирилган.

Компаниялар фаолияти ва тузилишидаги ўзгаришлар

Техник базис	Янги технологиялар, жараёнларни автоматлаштириш кенгрок ишлатилади Роботехникадан фойдаланилади Эгилувчан технологик ускуналар Компютерлаштирилган бошқарув тизимлари
Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқарув	Доимий такомиллаштиришга қаратилган дастурлар: TQM-сифатни оммавий бошқариш, Ҳаражатларни камайтириш, Захираларни камайтириш, Жараёнларни такомиллаштириш, Янги технологияларни жорий этиш Сифатга талаб ортиши ва жараёнлар таркибига киритилган сифат назорати

Жалвалда келтирилган маълумотлар таҳлили кўрсатишича, корхоналар ишлаб чиқаришга ёндашувлари ўзгаришидан далолат беради. Бу, биринчидан, корхона ўз мақсадларини аниқлашидан бошланади ва ўз навбатида, бир қатор илгари асос бўлиб келган унсурлардан воз кечиш ҳамда янги бошқарув ғояларини олдинга суришни талаб этади.

Янги шароитларда рақобатбардошликни таъминлаш талаби туфайли ишлаб чиқариш оммавий ҳолатини сақлаган ҳолда кўпроқ мослашувчан бўлишни, ҳаражатларни камайтириш ва маҳсулот сифатини тубдан яхшилашини талаб этади.

Ёндашувлар ўзгариши ишлаб чиқариш алоқаларининг меъёрий ўзгаришига, уларни мустаҳкамланишига ва тубдан янги муносабатлар шаклланишига олиб келади (1.2-жадвал).

Корхоналараро муносабатлардаги ўзгаришлар

Янги шакллар	Just-in-Time тизимини жорий этиш Жараёнли ёндашув, маҳсулот етказиб берувчилар ва истеъмолчиларнинг махсуслашганлиги Бозор талаблари ўзгаришига тайёргарлик Янги материаллар ва хом ашёлардан фойдаланишни бирга ташкил этиш
Корхоналараро алоқаларнинг ривожланиши	Танланган ва тасдиқланган корхоналар билан муҳим алоқалар ўрнатишга эришиш ва шу тўғрисида келтириладиган маҳсулотнинг сифати ва вақтида келиши таъминланиши. Катта корхонадан кичик корхонага техник ва бошқа ёрдам кўрсатиш кўзда тутилган бўлиши мумкин
	Ташқи корхоналар билан ички ишлаб чиқиш муаммоларини ҳал этиш учун ҳамкорлик ўрнатиш, техник хизмат кўрсатиш, маҳсулот ва ишлаб чиқариш инжиниринги, асбобсозлик ва бошқалар
Ташкилий ўзгаришлар	Саноат соҳаларида кластерлар барпо этилиши (тузилиши) Консорциум жорий этилиши
Янгиланиш жараёнлари	Қисм ва моделларнинг тез алмашиши
	Янги материаллар ва компонентлар ишлатилиши

Бозор иқтисодиётида корхоналарнинг эркин ривожланиши натижасида бир-бири билан узоқ муддатли муҳим алоқада бўлган корхоналар формал ёки ноформал гуруҳлари пайдо бўлиши мумкин. Гарчи, улар бир соҳага оид бўлмасада, улар фаолияти бир сўнги маҳсулот, масалан енгил автомобиллар, ишлаб чиқаришга қаратилган бўлади. Улар ихтисослашганлик ва узвий боғлиқлик асосида шаклланган бўлиб, янги фазилатларга эга бўлади. Яъни корхоналараро алоқалардаги миқдорий ўзгаришлар синергетия таъсирида уларга янги хусусиятлар беради. Бунинг номи кластер. Кластерлар тўла назарияси ҳозиргача на Ғарб ва на Шарқнинг илғор ва ривожланган давлатларида яратилмаган, МДХ давлатларида ҳам янги шароитда корхоналараро муносабатларни ўзгариши тўла равишда ҳозиргача ўрганилмаган, гарчи бир қатор тадқиқотлар ўтказилаётган бўлса ҳам.

Кластер деб, бир ҳудудда жойлашган, кўп ҳолатда бир тармоққа қарашли ва бир сўнгги маҳсулот ишлаб чиқаришда қатнашадиган мустақил, аммо узвий боғланган корхоналар бирлигига айтилади.

Улар бутловчи қисмлар, материаллар, баъзи махсус ишлаб чиқариш жараёнларини, шу жумладан ишлаб чиқариш ускуналарига техник хизмат кўрсатиш, корхонанинг иккиламчи жараёнларини бажарадилар. Кластерлар кўп жihatдан япон катта корхоналари (автомобиль компаниялари) атрофида фаолият олиб бораётган ўрта ва кичик корхоналардан иборат саноат гуруҳларига ўхшайди, аммо кластерларда корхоналар ўз мустақиллигини сақлаган ҳолда, янги муносабатларни шакллантириб, синергия эффекти таъсирида улар янги хусусиятларга эга бўладилар. Уларнинг ўзига хос хусусиятларига қуйидагилар киради (лекин кластер хусусиятлари шу билан чекланиб қолмайди):

- бир, яқин ёки ўзаро боғлиқ тармоқларга қарашли корхоналар географик ҳудудий яқин жойлашиши;
- корхона ишлаб чиқараётган маҳсулотлар вертикал ишлаб чиқариш занжири бўйича ихтисослашган;
- маҳсулот хилма-хиллиги бўйича кенг дифференциация ва ишлаб чиқариш ҳажми бўйича катта эгилувчанлик мавжуд;
- ишлаб чиқариш жараёнлари корхоналар ўртасида контракт ва субконтракт ва қўшимча фаолият орқали бўлиниши;
- аксарият ҳолда корхоналар мажмуининг умумий рақобатбардошлиги фақат паст нархларга эмас, балки бошқа ўзига хос хусусиятларга асосланган;
- кластерга қўшилиш нисбатан осон (мавжуд ишлаб чиқаришни кам ҳаражатлар билан мослаштириш);
- техник - ахборот ва хизмат қилиш тармоқларининг бирлиги ва бошқалар.

Ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг кластерга уюшганлиги корхоналарни янги сифат даражасига кўтаради, уларнинг якка ва умумийлаштирилган самарадорлиги ва рақобатбардошлилигини оширади, гарчи якка ҳолда

олинган ҳар бир кластер аъзоси ёки оддий уларнинг оддий йиғиндиси бунга кодир бўлса ҳам.

Кластерларнинг афзалликлари қуйидагича:

- маҳсулот етказиб берувчиларнинг истеъмолчиларга яқинлиги;
- ҳар хил маҳсулот ва хизмат етказишни ташкил этишда юқори эгилувчанлиги ва тезлиги;
- молия ва техник ёрдам кўрсатиш учун кенг имкониятлар;
- юқори малакали иш кучининг бир корхонадан бошқа корхонага тез кўчирилиши имкони;
- кластерга оид корхоналар раҳбар ходимларнинг бир-бири билан шахсий танишлиги ва бир-бирига ишончлилиги.

“GM – Uzbekistan” корхонаси асосида ҳам географик нуқтаи на- зардан жипсланган гуруҳ ёки кластер ташкил топилган бутловчи қисмлар етказиб берувчи, иккиламчи хизмат кўрсатувчи ва бошқа ушбу катта корхонага ўз фаолияти билан боғланган корхоналар мажмуаси кластерга оид аломатларга эгадир (1.3- жадвал).

1.3-жадвал

“GM – Uzbekistan” ЁАЖ га бутловчи қисмлар ва материаллар етказиб берувчи маҳаллий корхоналар.

Товар етказиб берувчи корхоналар		
Класси	Жойланиши	Сони
Маҳаллий	Асака	24
	Андижон	88
	Қўқон	8
	Фарғона	11
	Тошкент	8
	Наманган	1
	Жами	140

Тадқиқотлар таҳлили асосида корхоналар фаолиятида учта асосий ташкилий ўзгаришларни кузатиш мумкин. Булар қуйидагилар:

- 1 «Ишчи - ишчи ўрни» муносабатлари;
- 2 «Корхона – ишчи - ходимлар» муносабатлари;
- 3 «Корхона-корхона» муносабатлари.

Ҳар бир ўзгариш ўз сабабларига эга ва улар натижасида корхоналар фаолияти сезиларли, баъзан эса тубдан ўзгаришларга учрайди. Ушбу ўзгаришлар алоҳида эътиборга сазовор, чунки уларнинг табиатини тушуниш ва ёритиш корхона фаолиятини такомиллаштиришга асос бўлиши мумкин.

Замонавий корхоналарни олдинги шароитларда фаолият олиб борган корхоналар билан солиштирсак (бу ерда идеал ҳолатда деб олинган), куйидаги фарқларни кузатишимиз мумкин (1.4-жадвал).

1.4-жадвал

Анъанавий корхона	Замонавий корхона
Кам ўзгаришлар муҳити	Тез ўзгаришлар муҳити
Кўп бошқарув қарорлари юқоридан туширилади	Бошқарув қарорлар корхонада яратилади
Ресурслар юқоридан тасдиқланиши ва нисбатан сероблиги	Ресурслар камлиги, молиялаштириш муаммоси
Ишлаб чиқаришнинг операцион бошқаруви	Стратегик бошқарув элементлари мавжуд
Завод (фабрика) нуқтаи назаридан иш юритиш	Корхона (фирма) нуқтаи назаридан иш юритиш
Ривожланиш юқоридан таъминланади	Ривожланиш ички имкониятлардан келиб чиқади
Асосий мақсад – режаларни бажариш	Асосий мақсад – фойда олиш ва ривожланишни таъминлаш
Умумхалқ қийматлари ривож топган	Корхоналар ўз миссиясига, этика, мақсадларига, мафкурасига эга

Жадвалда замонавий корхонанинг хусусиятларини тўла ёритила олади дейиш қийин, аммо корхоналар фаолиятига босқичма-босқич кириб келаётган ўзгаришлар бугунги корхона фаолиятини ифодалайди ва корхоналарнинг бугунги муаммоларини энг ривожланган соҳа сифатида аниқлашга имкон беради. Ўзгаришлар натижасида автомобилсозликда сифатни таъминлаш ўзига хос хусусиятларга эга десак бўлади.

2.2. Автомобилсозликда сифатни таъминлаш ва сифат бошқаруви

Автомобилсозликда маҳаллий корхоналарнинг самарали, сертификатлаштирилган хорижий корхоналар билан нафақат ташқи бозорда балки ички бозорда ҳам жиддий рақобат ҳолати кузатилади. Маълум бўлишича истеъмолчилар олдида автомобилларнинг сифати ва хавфсизлигига жавобгарлик автомобилларни йиғувчи корхоналарда қолади, лекин уларнинг меҳнати натижаси аҳамиятли даражада автомобиль заводларига етказиб берувчилардан олган компонентларга боғлиқ. Бундай компонентларнинг автомобиль таркибидаги улуши 75 % дан ошади. Компонентларнинг автомобилдаги нуқсонлари улуши кафолат муддати ичида статистиканинг кўрсатиши бўйича 65-80 % ни ташкил этади. Шу сабабдан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини ошириш учун автомобиль йиғувчи корхоналар ўз ҳамкорларидан сифатли материал ва эҳтиёт қисмларни етказиб беришларини талаб қилади.

Маҳсулот сифати корхона фаолиятини режалаштириш ва уни аниқлашда қўлланиладиган асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб, унда меҳнатни ташкил қилиш, ишлаб чиқаришнинг жиҳозланиш даражаси, мутахассисларнинг малакаси, бошқариш ҳолати ифодаланади.

Корхоналарнинг ишлаб чиқариш, хўжалик фаолиятининг иқтисодий самарадорлиги ва бошқа кўрсаткичлари маҳсулот сифатининг яхшиланиши билан узвий боғлиқдир.

Маҳсулот сифати жамият ва корхонанинг барча соҳаларда маркетинг, ривожланиш стратегияси, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаларда фаолияти самарадорлигини тавсиф этадиган комплекс тушунчадир.

Замонавий адабиёт ва амалиётда сифат тушунчасига тегишли бир қанча фикрлар айтиб ўтилган. Маҳсулот сифати деганда кўпроқ уни истеъмол қилиш хусусиятларининг мажмуи тушунилади. Маҳсулот сифати том маънода бу истеъмолчининг конкрет талабларини қондира олиш даражасидир.

Маҳсулот сифатига жуда кўп тасодифий, маҳаллий ва субъектив омиллар таъсир этади. Ушбу омиллар таъсирини олдини олиш учун бир катор тасодифий, якка ҳолда вақти-вақти билан қабул қилинадиган чора-тадбирлар эмас, балки маҳсулот яратиш жараёнига унинг юқори сифатини таъминлаш мақсадида доимий таъсир этувчи чора-тадбирлар мажмуаси керак.

Мақсадларни аниқлаш сифатни таъминлаш йўлидаги биринчи кадам ҳисобланади. Бу стратегик кадам ўз ичига эҳтиёжларни аниқлаш ва бу эҳтиёжларни қондиришга мўлжалланган маҳсулот параметрларини ишлаб чиқишни олади. Бунда сифат стандартларини ёзма шаклда ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Корхоналарда сифат учун жавобгарлик, одатда, сифат назорати бўлими деб аталувчи алоҳида бўлимга юклатилади. Бу ёндошиш қисман назоратнинг мустақиллиги тамойилига асосланган, яъни сифатни баҳолаш ваколатлари ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган бўлимда мужассамлашган.

Ҳозирги кунда илғор тажрибалар бу масалага янгича ёндошишни талаб этмоқда. Масалан, Японияда сифатни таъминлаш бўйича жавобгарликнинг асосий қисми анъанавий ҳолда ишлаб чиқаришдаги ишчиларга юклатилган. Сифатни таъминлаш масаласини японлар ишлаб чиқаришдаги ишчиларни профессионал тайёрлаш дастурига киритганлар ва ишчиларга ўз иши сифатини назорат қилишни юклаганлар.

Маҳсулотлар сифати жиҳатларига, унинг таркиби, тузилиши, чидамлилиги, ўлчамлари, хавфсизлиги ва бошқаларга қўйилган умумий талаблар ва стандартлар даражаси ҳам уларнинг рақобатбардошлиги ошишининг зарур омилidir.

Маҳсулот сифатини таъминлашда, аввало хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар сифатига бевосита боғлиқ, шу сабабли уларнинг сифати қатъий назорат қилиниши талаб этилади.


Сифатни таъминлаш кўп жиҳатдан ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ишлаб чиқариш технологияси ва техника даражасига ҳам боғлиқ. Илғор

техника ва технология маҳсулот сифатини ошириш билан бирга меҳнат унумдорлигини ошириш орқали иқтисодий кўрсаткичларни яхшилайти.

Ҳар қандай илғор ишлаб чиқариш технологияси ўз-ўзидан маҳсулот сифатини таъминлаб бера олмайди, инсон, ишчи, ходим сифат муаммосининг калитидир. Ишлаб чиқаришнинг технологик интизомига риоя қилиш, вақтида зарурий жараёнларни амалга ошириш, ускуналар ҳолатини доимий кузатиб бориш - сифатни таъминлашда корхона ходимларидан масъулият, билим ва малака талаб этади.

Сифатни таъминлаш, албатта, ҳаражатлар билан боғлиқдир. Маҳсулот сифати истеъмолчи эҳтиёжини қондириши, маҳсулотнинг ишончлилигини ва ҳаражатлар тежалишини кафолатлаш керак. Маҳсулотнинг ушбу хусусиятлари корхонанинг барча соҳалардаги фаолиятида, ҳар бир босқич ва ҳар бир бўлимларида шаклланади.

Автомобилларни ишлаб чиқаришда ҳаражатлар манбаи 1.1- чизмада кўрсатилган. Келтирилган ахборотдан маълум бўлишича, автомобиль ишлаб чиқарувчига товар етказиб берувчилар томонидан 45% ҳаражат қилинади.



Автомобиль ишлаб чиқарувчи корхонанинг ўзида фақат 29% ҳаражатлар қилади 26% ҳаражат эса ишлаб чиқарувчи ва дилер (сотувчи) томонидан

қилинади. Шу билан бирга маҳсулотнинг ушбу хусусиятларини ифодаловчи қиймат кўрсаткичлари шаклланади.

Автомобилсозлик корхоналарининг ишлаб чиқариш бошқарувини такомиллаштириш ва сарф-ҳаражатларни қисқартириш йўлида фақат ишлаб чиқаришни эмас, балки бутун ишлаб чиқариш соҳасида ягона сиёсат юргизишни ташкил қилиш керак. Фаолият турларини мувофиқлаш тириш даражасини ошириш катта ва жуда муҳим вазифадир.

Бунинг учун қуйидаги йўналишларни такомиллаштирилса, мақсадга мувофиқ бўлади:

- харид қилиш фаолияти;
- технология ускуналари ишлаб чиқариш;
- бутловчи қисм ва материалларни синаш;
- метрология ва стандартлаштириш;
- мутахассислар тайёрлаш ва малакасини ошириш.

Автомобиль ишлаб чиқаришда сифатни таъминлаш ҳаражатлари қуйидагилардан келиб чиқади:

1. Маҳсулот сифатини таъминлаш бўйича тўғри ҳаражатлар (хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда сифатни назорат қилиш бўлими фаолиятига оид барча ҳаражатлар).

2. Маҳсулот сифатини таъминлаш бўйича эгри ҳаражатлар (Сифатни таъминлашга қисман қаратилган ҳаражатлар - бошқарув учун яратилган умумий сифат бошқариш ахборот тизими, ойлик сифат мажлисларини ўтказиш ҳаражатлари, сифатни таъминлаш билан боғлиқ ўқитиш бюджети).

Умумийлаштирилган ҳолда, маҳсулот сифати тўрт хил ҳаражатлар манбаидир:

1. Ички нуқсонлар ҳаражатлари.
2. Ташқи нуқсонлар ҳаражатлари.
3. Сифатни баҳолаш ҳаражатлари.
4. Нуқсонларни олдини олиш ҳаражатлари.

«GM Uzbekistan» ЁАЖда сифат ҳаражатларини алоҳида ҳисобга олиш тизими яратилган ва барча юқорида келтирилган кўрсаткичлар бўйича аниқ маълумотлар бериб ўтиш қийин, аммо тадқиқотлар натижаларида қуйидагиларни умумийлаштирилган муносабати берилган (1.5.-жадвал).

1.5-жадвал

Сифат ҳаражатлари миқдори

Сифатни таъминлаш ҳаражатлари турлари	Умумий ҳаражатларга нисбатан
Ички нуқсонлар ҳаражатлари	20-40
Ташки нуқсонлар ҳаражатлари	10-20
Сифатни баҳолаш ҳаражатлари	10-50
Нуқсонларни олдини олиш ҳаражатлари	1-5

Албатта, ушбу кўрсаткичлар ўзаро бир-бири билан боғлиқ. Бирини камайиши ёки ўсиши бошқа кўрсаткичлар миқдорига таъсир кўрсатади ва ушбу кўрсаткичларнинг ўзаро муносабати корхонанинг маҳсулот сифати соҳасидаги сиёсатини ифодалайди


Нуқсонларни олдини олиш ҳаражатлари миқдори ошса, улар кейинги ҳаражатларни олдини олади, автомобилсозликда эса сифатни юқори даражада сақлаш керак:

Биринчидан, фақат юқори сифатли маҳсулот автомобилга ўзига хос обрў келтиради ва савдо маркаси чет эл бозорларида мустаҳкамланади, сотувлар ҳажми ортади ҳамда қилинган ҳаражатлар оқланади.

Иккинчидан, бизнинг иқтисодий ҳолатимизда ҳар бир нуқсонли маҳсулот, нафақат кўп меҳнат сарфланиши, балки катта пулга импорт қилинган бутловчи қисм, хом ашё ва материаллар беҳуда кетганлигини билдиради. Ишлаб чиқариш учун нуқсонлар қиймати баланддир.

Демак, биз сифат ҳаражатларини нуқсонларни олдини олишга қаратсак, ҳаражатларнинг иқтисодий самараси юқорироқ бўлади.

Сифат ҳаражатларини оптималлаштириш усули катта амалий аҳамиятга эга (1.2.-чизма).



1.2-чизма. Сифат ҳаражатлари моделида оптимал нуқтани топиш

Нуқсонларни бартараф этиш учун ҳаражатлари кўплигида (чап томонда) сифат ҳаражатларини камайтиришнинг асосий йўли бу нуқсонлар сабабларини аниқлаб, уларни йўқотишга қаратилган дастур ва чора-тадбирларни қабул қилиш. Сифатни баҳолаш ҳаражатлари кўпчиликлари ташкил этган ҳолда (ўнг томонда) сифатни таъминлаш билан боғлиқ ҳаражатларни камайтиришда асосий йўللardan бири бу назорат ва синов жараёнлари самарадорлигини ошириш ҳамда сифат назорати ҳаражатларини камайтиришдир.

Оптимал кўрсаткичлар зонасида эса сифат бошқарувини шундай ҳолда сақлаб туриш етарлидир.

Сифат ҳаражатларини бошқариш тизими умумий бошқарув тизимининг муҳим қисмидир. У ҳаражатларни камайтирилишга, истеъмолчиларнинг талаблари кондирилишига ва бошқарувда тараққиётни аниқлашда ишлатилади.

Маҳсулот сифатини корхона фаолиятини режалаштириш ва уни аниқлашда қўлланиладиган асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб, унда меҳнатни ташкил қилиш, ишлаб чиқаришнинг жиҳозланиш даражаси, мутахассисларнинг малакаси, бошқариш ҳолати ифодаланади.

Хозирги замон талабларидан келиб чиққан ҳолда мамалакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар юқори сифатли - энг юқори техник-иқтисодий, эстетик, ва бошқа талабларга мувофиқ бўлиши, жаҳон бозорида рақобат қила олиш қобилиятига эга бўлиши керак.

Халқаро даражада сифатга бўлган талаблар ISO халқаро стандартларида аниқланган ва бу тушунчага аниқлик киритиш учун қуйидагича таъкидлайди:

«Сифат – бу Объектнинг белгиланган ва кутилаётган талабларини кондирилишга қаратилган ҳарактеристикалар мажмуидир».

Ушбу стандартлар 1980 - йилларда яратилган ва маҳсулот сифатини таъминлашда янги босқич бошлаганлигини ифодалаган. Сифат талаблари бошқариш ва ишлаб чиқаришда сифатни бошқариш тизимига аниқ талаблар қўйганлар – «сифатни бошқариш» атамаси ишлата бошланган.

Энг асосий ўзгариш - жараёнларни бошқариш тизими, муаммоларни аниқлаб уларни бартараф этишга қаратилган бошқарув тизими бўлиб қолди.

Замонавий ихтисослашган адабиётда ва амалиётда қуйидаги сифат менежменти концепциялари ишлатилади:

сифатни бошқариш (Quality Control);

сифат тизими (Quality System);

сифатни статистик назорати (Statistical Quality Control);

узлуксиз (доимий) яхшилаш тизими (Continuos Improvement Implementation System);

сифат тизимини менежменти (Quality System Management),

сифатни таъминлаш (Quality Assurance);
сифатни таъминлаш тизими (Quality Assurance System);
сифат бошқарувига асосланган менежмент тизими (Quality Driven Management System);
тотал (умумийлаштирилган) сифат бошқаруви (Total Quality Management);
илғор ишлаб чиқариш тажрибаси (Good Manufacturing Practices);
тўла (умумийлаштирилган, тотал) сифатни ва самарадорликни бошқаруви (Total Quality and Productivity Management);
интеграцияланган сифат менежменти (Integrated Quality Management);
сифатни тўла ўзгартириш (Total Quality Transformation);
сифатни яхшилаш мақсадидаги менежмент (Management for Quality Improvement).

«Бошқариш» иборасини маҳсулот сифатига оид қўллаганда, маҳсулот сифатини доимий назорат қилиш, уни белгиловчи шартлар ва омилларга мақсадга мувофиқ таъсир этиш йўллари билан маҳсулот сифатини лойиҳалаштириш, ишлаб чиқариш ва фойдаланишда унинг зарур даражада ўрнатилишини, таъминлашини ва сақланишини тушунмоқ лозим.

Маҳсулот сифатини бошқариш – бу оптимал сифатли маҳсулотни яратиш ва уни тўла-тўқис фойдаланишини таъминловчи омиллар ва шароитларга доимий, режалаштирилган ва аниқ мақсадли таъсир этиш жараёнидир.

Корхоналарда маҳсулот сифатини бошқариш операциялари инженер-техник, ташкилий - технолог, назорат, транспорт, омбор ва бошқа жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги мажмуасини ташкил этувчи тартиб доирасида олиб борилади.

Маҳсулот сифатини бошқариш жараёни қуйидаги операциялардан иборатдир:

- маҳсулот сифати даражасини белгилаш,
- маҳсулот сифатига таъсир кўрсатувчи омиллар ҳамда ишлаб чиқариш жараёни ҳолати тўғрисидаги ахборотларни йиғиш ва уларни ўрганиш;

маҳсулот сифатини бошқариш тўғрисида қарор қабул қилиш ва объектга таъсир кўрсатишга тайёрланиш,

- бошқарув буйруқларини бериш,

- бошқариш натижасида маҳсулот сифатининг ўзгариш ҳақидаги ахборотларни йиғиш ва таҳлил қилиш.

Сифатни бошқариш ўз ичига маҳсулотни аттестациядан ўтказиш, ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, маҳсулотлар сифатини назорат қилишни ташкил этиш ва назорат усуллари олади.

Якуний маҳсулотни тайёрлашда фақатгина бир корхона ишчи-ходимлари эмас, балки хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар етказиб берувчи ҳамкор корхоналар жамоалари ҳам қатнашади. Масалан, автомобилнинг қиймати бўйича тахминан 65~75% ва ортиқроқ қисми бутловчи қисмлардан иборат, тайёр автомобилнинг сифати ҳам 65~70% гача корхонадаги мавжуд технологиялар, ишлатилаётган техник воситалар, ходимларнинг малакаси билан бирга келтириლაётган хом-ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар сифатига бевосита боғлиқдир.

Бундай шароитларда маҳсулотнинг юқори сифатини барча омилларни комплекс ҳисобга олиш ва қўйилган масалага тизимли ёндошиш асосида таъминлаш мумкин.

Маҳсулотнинг юқори сифатли бўлиши технологик интизомга риоя қилиш, ишчи ва мутахассисларнинг ўз касбларини яхши эгаллаганлиги, вазифасига маъсулиятли ёндашишига боғлиқ. Унинг юқори сифатни таъминлаш учун ишни изчиллик билан бажариш, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстириш зарурдир. Маҳсулот сифатини ошириш учун қатъий кураш ҳар бир меҳнат жамоаси аъзосининг асосий фаолият мезони бўлиб қолмоғи керак.

Маҳсулот сифатини яхшилашдан мақсад иктисодий самарадоликка эришилган ҳолда энг кам ижтимоий меҳнат сарфлаб, истеъмолчилар талабини янада тўлароқ қондиришдир. Маҳсулотни сифатини яхшилашда ижтимоий самарадорлик унинг асосий мезони. Бу эса ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш бўйича жонли ва буюмлашган меҳнатнинг умумий миқдори

тежалишидир. Юқори сифатли маҳсулот тайёрлашда хом ашё, материаллар, ярим фабрикатлар ва бутловчи қисмлар, ёнилғи, энергия сарфи, нормаси ва жорий харажатлар миқдори ўзгариши мумкин.

Маҳсулот сифатини яхшилашдан олинган ижодий самара, асосан, фойдаланиш харажатлари, шунингдек, созлаш ишлари сарфини, дастгоҳларнинг ишламай бўш туриш вақти камайиши ва бошқа харажатларни қоплаш учун сарфланади.

Юқорида айтилганлардан кўриниб турибдики, корхоналар фаолиятини асосий диққат маркази – ҳозирги шароитларда ишлаб чиқаришнинг миқдор кўрсаткичларига эмас, балки сифат кўрсаткичларига қаратилиши лозим. Бу бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар рақобатдошлигини оширишнинг асосий йўлларида биридир. Ана шундай ёндашиш орқали миллий иқтисодиётимизнинг барқарорлашуви таъминланади, мамлакат экспорт салоҳияти ортади, жамият эҳтиёжлари қондирилади, аҳолининг яшаш даражаси ўсиб боради. Бу борада етакчи хорижий компанияларнинг илғор тажрибасини ўрганиш ва таҳлил қилиш катта ижобий самара бериши мумкин.

2.3. ЎзАвтосаноат тизимидаги қўшма корхоналарида махаллийлаштирилган эҳтиёт қисмлар етказиб берувчи корхоналарда ISO 9001:2008 ва ISO/Ts 16949:2009 халқаро стандартларини жорий қилиш

Автомобил ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги кучли рақобат, шунингдек автомобилларнинг хавфсизлигига меъёрий талаблар автомобилсозлардан доимий равишда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларига хавфсизлик, тежамкорлик, ишончлилиқ ва қулайлилиқ каби талабларни белгилайди. Аммо ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини таъминлаш учун конструкция ва дизайнини яхшилашнинг ўзи кифоя эмас балки яна атомобилни йиғиш ва унга хизмат кўрсатиш бўйича эҳтиёт қисмлар ва материалларнинг сифатига ҳам катта эътибор қаратиш лозим. Бу мақсадларга

эришиш учун кўпчилик автомобилсозлар дунёнинг кўпчилик мамлакатларида ўз етказиб берувчиларининг сифат даражаларини ошириш бўйича маълум ишларни бажаришга мажбур бўлдилар. Бунинг натижасида автомобилсозликда сифат менежментининг миллий стандартлари пайдо бўла бошлади (2.6-жадвал).

2.6-жадвал

Давлат	Ишлаб чиқишга ташаббус кўрсатган ташкилотлар	Стандартнинг кўриниши
АҚШ	Даймлер Крайслер, Дженерал Моторс, Форд	QS - 9000
Германия	Фольксваген, Ауди, БМВ, Опель	VDA 6.1
Франция	Пежо Ситроен Рено	EAQF
Италия	Фиат ИВЕКО	AVSQ

Юқоридаги стандартларнинг бошқарув тизимига киритилишидан кейин АҚШ ва Европада маълум бўлдики, етказиб берувчилар ягона стандартга эга бўлишни хоҳлайдилар. АҚШ, Германия, Франция ва Италиянинг автомобилсозлари бирлашмаси ҳамкорлиги натижасида халқаро автомобилсозлар мақсадли гуруҳи IATF ("International Automotive Task Force") тузилди ва ISO/Ts 16949 техникавий шартлари ишлаб чиқилди.

IATF дан ташқари ISO/Ts 16949 стандартини ишлаб чиқишда “Япониянинг автомобил ишлаб чиқарувчилар уюшмаси” (Japan Automobile Manufacturers Association (JAMA)) ва ISO/TC 176 вакиллари ҳам иштирок этишди.

Ушбу стандартнинг талабларида қуйидаги методикаларни қўллаш бўйича талаблар ҳам мавжуд:

- APQP – Маҳсулотнинг сифатини истиқболли режалаштириш
- FMEA – Потенциал рад этишларнинг турлари ва оқибатларини таҳлил қилиш
- SPC – Жараёнларни статистик бошқариш

- MSA – Ўлчаш тизимларини таҳлил қилиш
- PPAP – Ишлаб чиқариш қисмларини келишиш

Эҳтиёт қисмларни етказиб берувчи корхоналарида ISO/Ts 16949:2009 стандартини жорий этишда аудитлардан муваффақиятли ўтишнинг амалиётда синалган қуйидаги босқичлари мавжуд:

1-босқич. Ишлаб чиқиш, иш босқичлари:

- ISO/Ts 16949:2009 стандартига мувофиқликни аниқлаш учун ташхис аудитини ўтказиш.
- сифат бўйича менежерлар гуруҳини тузиш (Сифат хизматлари).
- лойиҳада иштирок этувчи ташкилотнинг асосий ходимларини ўқитиш.
- ISO/Ts 16949:2009 стандартини жорий этиш лойиҳаси бўйича чора тадбирларни биргаликда режалаштириш.
- зарурий жараёнлар, процедуралар, йўриқномалар ва ёзув шакллари ишлаб чиқиш.
- ишлаб чиқилган ҳужжатларни келишиш ва тасдиқлаш.

Юқоридаги босқичларни босиб ўтилгач буюртмачи ташкилот қуйидагиларни олади:

- сифат менежменти тизимининг жорий ҳолати ҳақида ҳисобот.
- ўқитилган ва тузилган ишчи гуруҳ, сифат хизмати ёки бўлими.
- сертификатлаштириш аудитига тайёрланиш режаси.
- ташкилот фаолиятини тартиблаштирувчи ҳужжатлар комплекти.

Бу қуйидагиларга имкон беради:

- ташкилотнинг «кучсиз» томонларини аниқлаш.
- ISO/Ts 16949:2009 стандартига мувофиқ сертификатлаштиришга тайёргарлик бўйича ишларни режалаштириш ва амалга ошириш

2 – босқич. Жорий қилиш. Сифат менежменти тизимини жорий қилиш қуйидаги мажбурий чора тадбирларни бажаришни талаб қилади:

- ташкилот ходимларида инструктаж ўтказиш.

- сифат бўйича ички аудитлар ўтказиш.
- сифат менежменти тизимини ички аудит натижалари бўйича тўғрилаш.

– ISO/Ts 16949:2009 стандарти бўйича корхонани сертификатлаштириш аудитига тайёрлаш.

Ҳамкорликда ишлаш натижасида буюртмачи ташкилот қуйидагиларга эга бўлади:

- сифатни бошқариш бўйича тайёргарликдан ўтган ташкилот ходимлари.
- СМТ жорий қилингандан кейинги ташкилот ҳолати ҳақида ҳисобот.
- СМТни яхшилаш бўйича ишлаб чиқилган режа.
- сифат аудити бўйича қайта таҳрирдан чиққан ҳужжатлар тўплами.
- ташкилотнинг асосий ходимларига жорий қилинаётган СМТ соҳасидаги тақдимот материаллари.

Бу ташкилотга қуйидагилар учун имкон беради:

- ISO/Ts 16949:2009 стандарти бўйича бўйича сертификатлаштириш аудитини муваффақиятли ўтишини таъминлаш
- ташкилотнинг инвесторлар, мижозлар ва ходимлар учун жалб этувчанлигини ошириш.

3-босқич. Кузатиб бориш. Сифат менежметини кузатиб боришнинг турли вариантлари бор. Одатда қуйидаги чора тадбирлар ўтказилади:

- ички сифат аудитларини ўтказиш,
- ISO/Ts 16949:2009 стандарти бўйича ташкилотни кузатув аудитига тайёрлаш.

Юқоридаги чора - тадбирларни ўтказиш орқали буюртмачи ташкилот қуйидагиларга эга бўлади:

- СМТ нинг ишчи ҳолатдалиги ҳақида жамланган ҳисобот;
- СМТни ривожлантириш режалари;
- сифатни ички аудити натижалари бўйича ҳисобот;

Бу ташкилотга қуйидагилар бўйича имкон беради:

- янги сотиш бозорларига чиқиш;
- ташкилот рақобатбардошлигини ошириш.

4-босқич. ISO/Ts 16949:2009 стандарти талабларига мувофиқ сертификатлаштириш. ISO 9001:2008 бўйича сифат менежмент тизимини сертификатлаштириш қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

- сертификатлаштиришга ариза бериш;
- сертификатлаштириш учун шартнома олиш;

№	Чора-тадбирлар	Жавобгар	Бажариш муддати
1.	СМТга мувофиқлигини кузатиш		
2.	Корхонанинг сифат соҳасидаги сиёсати ва мақсадларини долзарбликка қайта кўриб чиқиш		
3.	Ишлаб чиқариш жараёнасини ташкилий-техникавий такомиллаштириш бўйича қарорларни қабул қилиш.		
4.	СМТ ривожлантириш бўйича гуруҳ ва уни ISO/TS 16949:2009 талаблари бўйича қўшимча тайёрлаш гуруҳини шакллантириш.		
5.	APQP-жараёни гуруҳини шакллантириш		
6.	СМТ жаранларини номенклатурасини тавтиши, жараёнларга жавобгарларни тайинлаш.		
7.	Етарли ва зарур бўлиши нуктаи назаридан ҳужжатлар ва ёзувларни тақибини ишлаб чиқиш		
8.	ISO/TS 16949:2009нинг қўшимча талабларини ҳисобга олиб СҚ нинг биринчи наشريни тайёрлаш.		
9.	“Ички аудит” ҳужжатлаштирилган процедурасини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва жорий қилиш		
10.	“Ҳужжатларни бошқариш” ҳужжатлаштирилган процедурасини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва жорий қилиш		
11.	СМТ жараёнлари паспорт, карталарининг янги наشريни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш		
12.	Ички аудиторлар учун тренинг ўтказиш		
13.	Маҳсулот сифатига таъсир қилувчи ишлар, ходимларнинг малакавий матрицасини шакллантириш		
14.	Номувофиқ маҳсулот, тўғриловчи амал олидини оловчи амлларни бошқариш ҳужжатларни кўриб чиқиш ва аниқлаштириш		
15.	“Ходимларнинг лаёқатлилигини таъминлаш” ҳужжатлаштирилган процедурасини ишлаб тасдиқлаш ва юритиш		

16.	ISO/Ts 16949:2009 талабларига мувофиқ автомобилсозлик сифат менежменти тизими воситаларини жорий қилиш: - истеъмолчиларнинг талаблари ва кутилмалар, қизиқишларини аниқлаш; - ички ва ташқи таъминотчилар ва истеъмолчиларни аниқлаш ва мавжуд муаммоларни ҳамда жараёнларни кўрсатиш йўли билан оқим картасини яратишни аниқлаш; - оқимнинг "қисқа" жойларини аниқлаш (дефект ва нархни йўқотишга олиб келувчи жойларни аниқлаш); - Бошқариш режаси ва ишчи йўриқномаларни ишлаб чиқиш, шунингдек, сифат менежменти воситаларини қўллаш бўйича (назорат каталари, ишлаб чиқарувчанлик индекси, FMEA, MSA); - ходимларни ўқитиш.		
17.	Назорат жараёнлари ва ўлчаш таҳлилларини ташкиллаштириш ва ўтказиш тартиби (MSA) бўйича йўриқномани ишлаб чиқиш ва жорий қилиш.		
18.	Потенциал дефектларнинг турлари ва кетма-кетлиги таҳлилинини ўтказиш ва ташкиллаштириш тартиби (FMEA) бўйича йўриқномани ишлаб чиқиш ва жорий қилиш		
19.	Жараёнларни статистик бошқариш (SPC) бўйича йўриқномани ишлаб чиқиш ва жорий қилиш		
20.	Истикболли маҳсулотнинг сиатирни режалаштириш (APQP) бўйича хужжатлаштирилган процедуранинг биринчи наشريни ишлаб чиқиш ва амалга қўллаш		
21.	Сифат соҳасидаги эришилган мақсадларга қўшилган улуш ва долзарблиги тўғрисида ходимларнинг танишиш аражасини ўлчашлар/ижтимоий сўровларни ўтказиш		
22.	Ишлаб чиқариш оқимларини режалаштиришни аниқлаш, мавжуд операцияларнинг натижавийлиги мониторингини ўтказиш		
23.	Тасодифий инобатга олинмаган ҳолатларга ҳаракатлар режасни шакллантириш		
24.	Йўқотишлар тўғрисидаги малумотлар асосида ишлаб чиқариш жараёнларининг натижавийлиги ва самарадорлигининг таҳлилинини доимий ўтказиш		
25.	Ички РРМ ҳисоби бўйича йўриқномани ишлаб чиқиш ва жорий қилиш		
26.	Истеъмолчиларнинг вакилини тайилад		
27.	Ички ахборот алашинувини яхшилаш тўғрисида саволларни ишлаб чиқиш		
28.	Сифатни яхшилаш, мақсадларга эришиш бўйича мотивация юритиш ва ағбатлантириш низомини ишлаб чиқиш		

29.	Режалаштирилмаган қурилмаларни, оддий ва тайёр бўлмаган қурилмалар ҳисобини юритиш ва таҳлил қилиш		
30.	МТ жараёнларини таҳлил қилиш ва корхона ҳамда бўлинмалар бўйича сифат мақсаларини амалга ошириш		
31.	Махфийликни таъминлаш бўйича буйруқни тайёрлаш ва чиқариш		
32.	Зарурият бўлганда Бошқаришни режалаштириш ва FMEA жараёнларини қайта ишлаш		
33.	Бошқарув режасида кўрсатилган назорат ва ўлчаш жараёнларини таҳлилни ўтказиш графигини тузиш ва тасдиқлаш		
34.	Бошқарув режаси билан ишлаб чиқариш индексларини ҳисоблаш ва назорат карталарини объектлари рўйхатини тузиш ва тасдиқлаш		
35.	Бошқарув режасида кўрсатилган назорат ва ўлчаш жараёнларини таҳлилни ўтказиш графигини ва бошқарув режаси билан ишлаб чиқариш индексларини ҳисоблаш ва назорат карталарини объектлари рўйхатини амалга ошириш		
36.	Ишлаб чиқариш жараёнларнинг турғунлиги тавсифловчи, статистиканинг асосий тушунчалари бўйича ишлаб чиқариш жараёнларида қатнашувчи барча ходимларни ўқитишни ташкиллаштириш		
37.	ISO/Ts 16949:2009 бўйича ички аудиторлар ва СНБ бошлиғини ўқитишни ташкиллаштириш		
38.	Режа-графикга асосан маҳсулот ва жараёнлар СМТ ички аудитини ўтказиш		
39.	СМТ ни қайта ишлаш: ҳужжатлаштириш ва амлий ишлаши		
40.	СМТ далабки ва сертификатлаштириш аудитларини ўтказиш		

– СМТ ҳужжатларини ISO 9001:2008 талабларига мувофиқликка текшириш;

– дастлабки аудитни ўтказишни режалаштириш;

– дастлабки аудит;

– ариза берувчи ташкилот дастлабки аудитда топилган хатоларни тўғрилайди;

– сертификатлаштириш аудитини режалаштириш;

– сертификатлаштириш аудити;

– аудит гуруҳи томонидан ҳисобот тайёрланиши;

– ариза берувчи ташкилот аудитда топилган хатоларни тўғрилайди;

– ISO/Ts 16949:2009 стандарти талабига мувофиқ сертификатни берилиши.

ISO/Ts 16949:2009 стандарти талабларига мувофиқ сифат менежмент тизимини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларнинг намунавий дастури 2.6-жадвалда келтирилган.

2.6-жадвал

Бутловчи қисм етказиб берувчи корхонанинг сифат менежментини ISO/Ts 16949:2009 стандарти талабларига мувофиқ сертификатлаштириш қуйидаги фойдаларни келтиради:

- ташкилотнинг юқори рақобатбардошлигини таъминлайди,
- сифатни оширади ва таннархнинг пасайишига олиб келади.

Автомобиль йиғув корхоналарида ишонч энг асосийси ҳисобланади ва унинг асосида яқин ҳамкорлик яратилади.

2.4. Автомобилсозлик корхоналарнинг бутловчи қисмлар етказиб берувчи корхоналарига янги талаблари

Барча (хорижий ва мамлакатимизнинг) кўзга кўринган автомобиль ишлаб чиқарувчилари ўзларининг материаллар ва бутловчи қисмларни етказиб берувчиларидан ISO 9001:2008 стандарти талабларига жавоб берадиган сифат менежмент тизимини жорий этишни талаб қилмоқдалар. Бугунги кунда автобутловчи қисмларини етказиб бериш шартномаларига янги бир талаб киритилмоқда. Бу ISO/Ts 16949:2009 “Автомобиль саноати учун серияли ва бутловчи қисм ишлаб чиқарувчи ташкилотлар учун ISO 9001:2008 ни қўллашга бўлган махсус талаблар”ига мувофиқ сифат менежмент тизимини ишлаб чиқиш ва сертификатлаш ҳисобланади.

ISO/Ts 16949:2009 стандарти – бу сифат менежмент тизими стандартидир ва шу билан бирга TQM (Total Quality Management) умумий сифат бошқаруви (УСБ) стандартидир. Бу стандарт ISO 9001:2008 стандартини автомобиль ишлаб чиқариш саноатида фойдаланиш талабларини ўзида мужассам этган

ва автомобиль саноати учун амалиёт ва мисолларда келтирилган.

ISO 9001: 2008 ва ISO/Ts 16949:2009 талабларидан автомобиль саноати ташкилотларини ташқаридан фойдаланиш ёки сертификатлаш ёки шартномалар тузиш ва харид қилиш фаолиятини олиб бориш мақсадларида фойдаланилади. Иккала стандарт ҳам “Жараёнлар ёндашуви” асосида ташкил этилган ва жараёнлар тизимини яхлитлик ёки корхона фаолиятлари йиғиндисини бир яхлитлик ёки “кириш”дан “чиқиш” га ўзгаришларини, шу жумладан, автомобиль ва бутловчи қисмларни ишлаб чиқаришга тааллуқлидир.

ISO/Ts 16949:2009 бу халқаро автомобиль ишлаб чиқарувчи ташкилоти (IATF) томонидан дунё бўйича фойдаланиш учун ишлаб чиқарилган ва ҳозирда аксарият автомобиль ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг мажбурий талаби бўлиб қолди.

Ушбу янги талабларга сифат тизимини мослаштириш, албатта, ташкилотчилик ва бошқарувда ўзгаришлар ҳамда катта тайёргарлик ишлари олиб боришни талаб этади.

ISO/Ts 16949:2009 Халқаро стандартини корхонада жорий этиш мақсадида корхона миқёсида кенг кўламли сифатни бошқариш тизимини қайта тиклаш, ички стандартлар ва жараёнларни ISO/Ts 16949:2009 Халқаро стандарт талабларига мослигини таъминлаш чора-тадбирларини яратиш лозим.

Ташкилотлар ўз истеъмолчиларидан буюртмалар олиш учун ушбу янги талабларни бажаришлари керак. Автозаводлар буни талаб қилишларига сабаб, мазкур спецификациянинг мақсади, нуқсонлар юз беришини олдини олишни кўзда тутувчи, етказиб беришлар тизимидаги ортиқча сарф-ҳаражатларни камайтирувчи, сифат менежмент тизимини ишлаб чиқиш ҳисобланади. Материаллар ва бутловчи қисмларни етказиб берувчилар томонидан ISO/Ts 16949:2009 талабларининг бажарилиши, истеъмолчиларни маҳсулотни ўз вақтида олмаслик хавфини ёки сифатсиз маҳсулот олиш эҳтимолини камайтиради.

Шуни айтиб ўтиш керакки, ISO/Ts 16949:2009 талабларига мувофиқ сифат менежмент тизимини яратиш, етказиб бериш шартномаларига киритилган бўлсада, айрим ташкилотлар уни амалга оширишга киришганлари йўқ. Сифат менежмент тизимини жорий этиш ва уни сертификатлаш учун кўп вақт кетади, бунинг сабаби қуйидагилар ҳисобланади:

- Биринчидан, ISO 9001:2008 стандарти ва ISO/Ts 16949:2009 талаблар ҳажми миқёсида катта фарқланиши ҳисобланади. Талаблар сонининг ортиб бориши билан бир қаторда бу талабларнинг амалга ошириш учун тайёргарлик вақти ҳам ортиб боради.

- Иккинчидан, ISO/Ts 16949:2009 Халқаро стандартида FMEA, SPC, MSA каби услубиятлар мавжуд бўлиб, уларни эгаллаш ҳамда уларни тадбиқ этиш учун кўп вақт талаб этилади. SPC ва MSA услубиятлари статистикага тегишли. Тегишли дастурий таъминотни қўллаш орқали натижаларга статистик ишлов беришга кетадиган вақтни қисқартиришга эришиш мумкин.

- Учинчидан, сифат менежмент тизимини тузиш ва кейинчалик, уни сертификациялаш бўйича лойиҳани амалга ошириш муддатларининг узайишига сабаб - сертификатлаш қоидалари ўзгарди. Агар авваллари (сифат менежмент тизимини ISO 9001:2008 стандарти талабларига мувофиқ сертификатлашда), ташкилот томонидан талабларни камида уч ой давомида бажарилишини намойиш қилиш етарли бўлиб, ундан кейин сертификация аудитини амалга ошириш мумкин бўлган бўлса, ҳозирги пайтда бунинг ўзи етарли ҳисобланмайди. ISO/Ts 16949:2009 га мувофиқ автомобилларни сертификациялаш схемасида баён қилинган сертификациялашни ўтказиш қоидаларига биноан, аудитни ўтказиш учун ташкилот ISO/Ts 16949:2009 талабларининг бажарилишини 12 ой давомида намойиш қилиши ва бу тегишли ёзувлар билан ўз тасдиғини топиши талаб этилади.

Сифат менежменти тизимини тузиш ва уни сертификациялаш муддатлари сезиларли даражада ўсиб боради. Сифат менежменти тизимини тузиш учун ўн ойдан бир ярим йилгача ва бевосита, ISO/Ts 16949:2009 талабларига

жавоб бера оладиган ишни ташкил қилишга эса камида бир йил вақт кетади. Муддатлар –тахминий. Бу муддатлар ISO 9001:2008 стандарти талабларига мос келадиган сифат менежменти тизимини тадбиқ этиш тажрибасига эга бўлган корхоналар учун ҳақиқий бўла олади. Агар тажриба бўлмаса яна муддат (камида ярим йил) керак бўлади.

Агар корхона ISO 9001:2008 стандарти талабларига мос сифат менежменти тизимини тадбиқ этган бўлса, сифат менежменти тизимини ISO/Ts 16949:2009 талабларини инобатга олган ҳолда такомиллаштириш билан шуғулланиши керак. Аввало, спецификациянинг талаблари билан танишиб, сўнгра тушунарли бўлган талабларни амалга оширишга киришиш зарур.

Шунингдек, нуқсонлар пайдо бўлиши ва уларни ўз вақтида бартараф этилиши туфайли пайдо бўлган йўқотишларни (сарф-ҳаражатларни) таҳлил қилиш ҳамда ҳисоблаш зарур. Нуқсонларга яроқсиз маҳсулот, устама ишлов бериш, қўшимча назорат ҳамда синовлар, жарима белгилашлар ва ҳ.к лар киради. Ушбу маълумотларни ташкилот жараёнининг қисмлари: маҳсулотни лойиҳалаш, харид қилиш ишлари, маҳсулот ишлаб чиқариш, назорат қилиш ҳамда синаш, сақлаш ва ташиш самарадорлигини баҳолаш учун қўллаш мумкин.

Янги талабларнинг кўпчилиги, дастлабки вақтларда, тушунарсиз бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бироқ, шуни тан олиш жоизки, шу соҳа мутахассисларини жалб этмай, ISO/Ts 16949:2009 талабларини амалга оширишнинг иложи йўқ. Бунда корхоналарда статистик усулларни тадбиқ этиш тажрибасига эга бўлган консалтинг фирмалар самарали ёрдам беришлари мумкин.

ISO 9001:2008 стандарти талабларига мос сифат менежменти тизимига эга бўлиб улгурмаган ташкилотлар, ISO/Ts 16949:2009 талаблари асосида сифат менежменти тизимини яратиш мақсадга мувофиқ эмас, чунки бу жуда қийин ҳисобланади. ISO/Ts 16949:2009 талабларини амалга ошириш учун, айрим корхоналарда ишловчи ходимларнинг тайёргарлик даражасидан

фарқлироқ савия талаб этилади. Агар ходимлар қоидалар (йўриқномалар) бўйича ишлай олмаса (ишлашга ўрганмаган бўлса), бу ерда ISO/Ts 16949:2009 стандартини тадбиқ этишда қийинчилик туғилади. Шунинг учун ишни ISO 9001:2008 стандарти талабларига мос сифат менежменти тизимини яратишга киришишдан бошлаган маъқул.

III - Боб

					5310900 МСМСМ						
					III-Боб	Лит			Масса	Масш.	
Узг	Варақ	Хужжат №	Имзо	Сана		у					
Бажарди	Исмоилов.Ў.М.										
Рахбар.	Қосимов.Б.И										
Каф.муд	Эсонова.Ш										
Маслаҳ.											
						Варақ			Варақлар		
Тасдиқ.						АМИ “МСМСМ” фак. гр. 091 МСМСМ					70

III-БОБ. ISO 9001:2008 ва ISO/Ts 16949:2009 халқаро стандартларига асосланган сифат тизимларини “Uz Dong Yang Co” қўшма корхонасида жорий этиш.

3.1. ISO 9001:2008 ва ISO/Ts 16949:2009 халқаро стандартларини “Uz Dong Yang Co” қўшма корхонасида жорий этиш.

ISO 9001:2008 ва ISO/Ts 16949:2009 Халқаро стандартини корхонада жорий этиш мақсадида корхона миқёсида кенг қўламлик сифатни бошқарув тизимини қайта тиклаш, ички стандартлар ва жараёнларни халқаро стандартлар талабларига мослигини таъминлаш чора-тадбирлари яратилган эди.

Юқори раҳбарият томонидан янги Сифат сиёсати қабул қилиниб, янги талаблар асосида сифатни бошқариш тизимида (СБТ) керак бўлган жараёнлар аниқланган, СБТ нинг асосий жараёнлар картаси тузилган ва жараёнларни кириш ва чиқиш параметрлари ҳамда фаолият учун керак бўлган ресурслар, жараёнларнинг самарадолигини баҳолаш учун мезонлар ва усуллар аниқланган, иш тартиблари ва ҳужжатларга ўзгаришлар ва яхшилашлар киритилган, янги сифат бўйича қўлланма, МВО ва таннархни пасайтириш дастури бўйича қоида, СБТ ни доимий такомиллаштириш ва ходимларга маълумот етказиш бўйича иш тартиблари ишлаб чиқарилган, СБТ ички аудит ва ходимларни ўқитиш ва малакасини ошириш, корхонанинг янги Низоми қайта ишланган эди.

Олдинги ички аудит натижалари бўйича камчиликлар бартараф этилган ва ушбу фаолиятга тизимли ёндашув асосида қаралди.

ISO 9001:2008 ва ISO/Ts 16949:2009 халқаро стандартларини корхонада жорий этиш дастури бўйича корхона юқори раҳбарияти томонидан керак бўлган ресурслар ажратилиб, қуйидаги чора-тадбирлар ўтказилди:

- махсус вақтинча ишлайдиган корхонада ISO 9001:2008 ва ISO/Ts 16949:2009 халқаро стандартини жорий этиш гуруҳи тузилган (16 одам),
- консултантлар томонидан диагностик ва сертификатлаштиришдан олди аудитлари ўтказилган,

- ISO 9001:2008 ва ISO/Ts 16949:2009 бўйича ички аудиторлар ўқиши ўтказилган (26 одам),
- ISO 9001:2008 ва ISO/Ts 16949:2009 бўйича ходимлар ўқиши ўтказилган (3527 одам).

Юқорида кўрсатилган чора-тадбирлар “Uz Dong Yang Co” ҚКнинг ISO 9001:2008 халқаро стандарти талабларига мос СБТ ни барпо этишга имкон берди ва олиб борилган ишлар натижасида корхона ISO 9001:2008 ва ISO/Ts 16949:2009 халқаро стандартлари бўйича мувофақиятли сертификатлашган эди.

Корхонада сифатни бошқариш тизимини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар қуйидагича.

1. Сифатни бошқариш тизимига қарашли жараёнларни фаолияти ҳақида маълумот тўплаш, уни тўғри тақсимлаш, ифодалаш ва юқори раҳбариятга етказиш, ҳамда юқори раҳбарият томонидан сифатни бошқариш тизимини самарадорлигини таҳлил этиш документлаштирилган жараённи яратиш ва жорий этиш.
2. Сифатни бошқариш тизими такомиллаштиришга мўлжалланган чора-тадбирларни доимий равишда олиб бориш учун сифатни бошқариш тизимида мавжуд жараёнларни ўз-ўзини баҳолаш усуллари яратиш ва жорий этиш.
3. Келишмовчиликларни олдини олиш, хатоларга йўл қўймаслик учун олдиндан чора кўриш усуллари иш тартибини яратиш ва кенг фойдаланишини таъминлаш.
4. Сифатни таъминлаш учун ишлатилаётган ҳаражатлар миқдорини камайтириш мақсадида, корхона ишлаб чиқариш жараёнлари микёсида сифатни таъминлаш ҳаражатларини ҳисобини яқка тартибда олиб бориш ва ажратиб назорат қилиш тизимини яратиш ва жорий этиш, энг кўп зарар ва талафотлар билан боғлиқ ҳаражатларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш учун мақсадли

чора тадбирлар ўтказиш, ушбу фаолиятни молиялаштириш ва жараёнларнинг самарадорлигини таъминлаш.

5. Ишлаб чиқариш жараёнларида истеъмолчини талабларини аниқлаш ва ўзаро боғлиқ бўлимларнинг бир-бири билан ҳамкорлигини яхшилаш ва умумкорхона иш самарадорлигини ошириш мақсадида «Ички маҳсулот ва хизмат етказиб берувчи» ва «ички истеъмолчи» занжирида истеъмолчини талабларини қондириш даражасини ўлчов тизимини яратиш ва жорий этиш.
6. Корхона сифатни бошқариш тизимини ривожланиши асосий йўналишларига мувофиқ равишда ISO/Ts 16949:2009 «Автомобилсозлик сифат тизими» бўйича ўрганиш ва ўқитиш гуруҳини ташкил этиш ва ушбу гуруҳ ишини ривожлантириш.

ISO 9001:2008 ва ISO/Ts 16949:2009 стандарларини корхона сифатни бошқариш тизимига жорий этиш, албатта, бу корхона бошқаруви учун ўз-ўзидан олинган мақсад эмас ва корхона маҳсулотини обрўсини ошириш йўлида қилинган ягона ҳаракатмасдир. Корхона бошқарув тизимини, нафақат сифат бошқарув қисмида, балки бошқа соҳаларида ҳам – режалаштириш, молия, ишлаб чиқаришни операцион бошқаруви, ҳаражатлар бошқаруви, ходимлар бошқаруви соҳалари ҳам кенг миқёсда ривожланиш режалаштирилган.

Келтирилган режага мувофиқ, корхонанинг сифат тизимини бошқариш қуйидаги асосий йўналишлардан боради:

1. ISO 9001:2008 ва ISO/Ts 16949:2009 сифат бошқарув тизимини ривожланиши,
2. Сифат ҳаражатларини бошқариш тизимини ривожланиши,
3. Бутловчи қисм, материаллар ва хом ашё етказиб берувчилар сифат тизимини яратиш ва ривожлантириши,
4. TQM (Total Quality Management) - Умумий сифатни бошқарув тамойиллари асосида корхона бошқарув тизимини такомиллаштириш ва жаҳон илғор корхоналари қаторига кириш.

ISO 9001:2008 ва ISO/Ts 16949:2009 халқаро стандарларининг жорий қилишда истеъмолчини талабларини қондирилиши ва уни баҳолаш корхонанинг сифатни бошқариш тизими олдида турган асосий вазифаларидан биридир.

3.2. ISO 9001:2008 ва халқаро стандартига асосланган сифат тизимида истеъмолчининг талабларини қондирилиши

ISO 9001:2008 ва халқаро стандартнинг асосий талабларидан бири бу - истеъмолчини талабларини қондирилиши ва уни баҳолаш корхонанинг сифатни бошқариш тизимининг асосий вазифаларидан биридир (3.2. – жадвал). Чунки қайта алоқа орқали сифат тизими фаолиятини баҳолаш имкони пайдо бўлади. Келтирилган рақамлар шартли олинган, гарчи амалиётда кўрилатган жараён ва ривожланиш йўналиши тўғри акс эттирилган бўлсада, сифат ва ишлаб чиқариш унумдорлиги, корхона иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари корхонанинг тижорат сиридир ва кенг ахборот тарқатилмайди.

3.2. -жадвал

Истеъмолчиларни қондириш даражаси

Автомобил русуми	Анкеталар сони		5 баллик баҳолаш усулида ўртача баҳо, балл	
	2014	2015	2014	2015
Нексия	80	50	4,83	4,6
Спарк	80	50	4,85	4,78
Дамас	80	50	4,71	4,36

“Uz Dong Yang Co” қўшма корхонасида истеъмолчини талабларини қондирилиш даражасини баҳолаш билан Сифатни назорат қилиш ва кафолатлаш Бошқармаси ходимлари вазифасидир ва шунга тааллуқли ички стандарт яратилган.

“Uz Dong Yang Co” ҚК томонидан истеъмолчиларнинг, асосан, “GM – Uzbekistan” ЁАЖ, муҳандис маҳсулоти ва ишлаб чиқариш бошқармаси ходимлари ва раҳбарлари ҳамда Уз автотеххизмат корхоналари

мутахассислари талабларини қондириш йўлида катта иш олиб борилмоқда. Шулардан бири, истеъмолчиларнинг мурожаатлари ва шикоятлари билан ишлашдир.

2014 йили ушбу бўлим томонидан 3 маротаба ўрганиш ўтказилган ва бу катори истеъмолчиларни саволи ва анкета орқали тадқиқотлар ўтказилган.

Уларнинг таҳлил натижаси кўрсатишича, 2014 йилга нисбатан истеъмолчиларни қониқиш даражаси корхона автомобиллар русуми бўйича ўртача 0,26 баллга яъни 5% га пасайган, DAMAS (B150) русуми бўйича эса – 0,36 балга ёки 6,92 % пасайган (3.3.- жадвал).

3.3.-жадвал

Компания маҳсулоти бўйича мурожаатлар динамикаси

№	Мурожаатлар ва шикоятларнинг асосий турлари	Сони	
		2014 й.	2015 й.
1	Нуқсонсиз маҳсулот	16	8
2	Ўтказиб беришдаги нуқсонлар	1	2
3	Кафолат таъмирлашни таъминлаш	26	19
4	Сақлаш нуқсони	-	2
5	Материал нуқсони	33	32
6	Эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш	20	18
Жами		96	81

Кафолат даврида сифат билан боғлиқ ариза ва шикоятлар сони ва харажатлар миқдори 3.4. - жадвалда келтирилган.

3.4.-жадвал

Кафолат даврида рекламациялар сони

Давр	Сифат билан боғлиқ ариза ва шикоятлар сони (дона)
2014 й.	815
2015 й.	1001

Истеъмолчиларнинг фикрича, бунинг асосий сабаби – бутловчи қисмлар сифати ва ишончлилиги пасайганлиги.

Умумий баҳолаш натижаси – истеъмолчилар талаблари қондириш даражаси паст ва бу ҳолатни тез ўзгартириш керак.

Демак, тез равишда истеъмолчини талабларини қондиришга қаратилган чора-тадбирлар қабул қилиш керак.

Булар қаторига қуйидагилар кириши мумкин:

1. Сўнги текширув ва ўз-ўзини назорат қилиш даражасини ошириш лозим.
2. Сифат ҳақида маълумотлар тизимида қайта алоқани кучайтириш лозим.
3. Жараёнларни назоратини кучайтириш.
4. Назорат ходимларини махсус билим даражаси ва маъсулятини ошириш керак.
5. TPM (Total Productive Maintenance) - Умумий асбоб-ускуналарга техник хизмат қилиш ва ремонт қилиш тизимини ривожлантириш лозим.
6. Бутловчи қисмлар етказиб берувчилар билан биргаликда амалий иш олиб бориш.

Доимий яхшиланиш тизимини яратиш ва ривожлантириш мақсадида:

1. GREEN CARD ишлаб чиқариш линияларида тизимини жорий этиш,
2. Бозорда аниқланган сифат муаммолари билан ишлашда FEED BACK (қайта алоқа) ни яхшилаш,
3. Бозорни ўрганиш ва истеъмолчини талабларини қондирилиш даражасини баҳолаш бўйича анкета тизимини яхшилаб бориш.

Харид қилиш фаолияти сифатни таъминлашда катта аҳамиятга эга.

Корхонада бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш учун фойдаланадиган материаллар ва хом ашёларни харид этиш «харид этиш» ва «қисмларни ривожлантириш» бошқармалари вазифасидир.

Жорий этилган иш жараёнлари асосида «қисмларни ривожлантириш» бошқармасида бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш учун фойдаланадиган

материаллар ва хом ашёларни етказиб берувчиларни танлаш ва даврий баҳолаш олиб борилади.

«Харид этиш» бошқармаси томонидан 2014 йили 70 ҳамкор корхонадан ҳар хил маҳсулот олинган. Улардан 32 таси –материаллар етказиб берувчи асосий ҳамкор корхоналар, 38 таси – бир маротаба маҳсулот етказган корхонадир.

Ишлаб чиқаришни сифатли бутловчи қисмлар, хом ашё ва материаллар билан таъминлаш мақсадида ва ушбу жараёни бошқарувини яхшилаш учун бутловчи қисмлар, хом ашё ва материаллар асосий етказиб берувчи «GM-Koreya Co» бўйича ҳам РРМ кўрсаткичини аниқлаб бориш мақсадга мувофиқ бўларди.

Корхонада маҳсулот сифатини баҳолаш. Тайёр маҳсулотни асосий баҳосини истеъмолчилар берса ҳам, корхонада ўз маҳсулотини қандай баҳолаш ҳар томонлама муҳимдир.

“Uz Dong Yang Co” қўшма корхонасида тайёр маҳсулот сифатини таъминлаш ва бу билан боғлиқ саволлар юқори раҳбариятнинг доимий эътиборида ва ушбу нуқтаи назардан ISO 9001:2008 халқаро стандартнинг асосий талабларидан бири бажарилмоқда.

Сифат муаммолари доимий, ҳар ойда корхонанинг юқори раҳбарияти иштирокида бўлиб ўтказиладиган сифат бўйича мажлисларда муҳокама қилинади.

Сифат бўйича мақсад олиш. ISO 9001:2008 ва ISO/Ts 16949:2009 Халқаро стандарларини корхона ўз мавқеи ва ҳолатидан чиққан ҳолда сифат бўйича мақсадлари бўлишини тақозо этади. Шунинг учун ҳар бир бўлим ва бўлинма ўз ишини режалашда, корхонанинг асосий мақсадларидан чиққан ҳолда ўзига мақсад танлайди.

Корхонанинг юқори раҳбарияти корхонанинг асосий мақсадларидан бири бу – маҳсулот сифатини яхшилаш деб, ўз олдига катта-катта мақсадлар қўйса (сифатни яхшилаш бўйича). Унга яраша керак бўлган имкониятлар ва ресурслар ажратса, ҳар бир маҳсулот сифатига тааллуқли бўлган бўлим

(замонавий ишлаб чиқаришда эса – деярли ҳамма бўлим ва ходимлар), сифатни яхшилаш бўйича ўз олдига мақсад олади ва унга етишишга интилади.

Демак, корхонада барпо этилган сифатни бошқариш тизимида халқаро стандартнинг ушбу талаби тўла равишда бажарилади ва асосий муаммо ушбу мақсадлар тўғри танланиши ва уларга етишишни таъминлашидадир.

3.3. “Uz Dong Yang Co” қўшма корхонаси сифат менежменти тизимини баҳолаш.

Корхонанинг СМТини баҳолаш 3 та асосий фазадан иборат:

1. СМТ ҳужжатларининг таҳлили. Бу таҳлил СМТ ҳужжатлари стандарт талабларига жавоб беришини аниқлашда ёрдам беради.

2. Иш жойидаги аудит (текширув). Бу фаза СМТ жараёнларининг СМТ ҳужжатлари талабларига мувофиқ равишда ишлаб чиқариш ва ёрдамчи бўлимларга жорий қилишнинг даражаси ва самарадорлигини аниқлаб беради.

3. Натижалар таҳлили. Биринчи икки фаза натижалари таҳлили стандарт талабларига жавоб беришини текшириш учун ишлатилади.

СМТни баҳолашнинг ўзига хосликлари. СМТнинг стандарт талабларига мувофиқлигини баҳолаш энг аввало ташкиллаштириш жараёнларини текширишга йўналтирилган жараёнли аудит асосида ўтказилиши. Аудит жараёнини ўтказиш учун база сифатида “жараёнли ёндашувга асосланган сифат менежменти тизими модели” хизмат қилади ва жараёнга қуйидаги тўртта асосий доираларни ўз ичига олади:

- раҳбариятнинг жавобгарлиги;
- ресурслар менежменти;
- маҳсулотнинг ҳаётий даврийлиги;
- ўлчаш, таҳлили қилиш ва яхшилаш.

Аудиторлар текширилаётган доира учун махсус ишлаб чиқилган сўровномалардан фойдаланишлари керак (чек-варақлар). Сўровномаларни

ишлаб чиқаётганда стандартнинг 5-бўлимидаги жадвалга асосланиш керак, чунки уларда стандарт талабларига мувофиқ бўлган саволлар мавжуд.

Баҳолаш бўйича умумий кўрсатмалар. Стандарт талабларини баҳолаш учун қуйидаги санаб ўтилган методлардан бири ишлатилиши мумкин:

- “ҳа/йўқ” методи, яъни стандарт талабларини бажаришдаги мувофиқликлар ёки номувофиқликларни аниқлаш методи;
- “баллар” методи, яъни стандарт талабларини бажарилишидаги 0 дан (энг ёмон натижа) бошлаб 10 гача (энг яхши натижа) бал асосида баҳолаш методи.

СМТни “ҳа/йўқ” методи асосида баҳолаш тартиби. “ҳа/йўқ” методи стандарт талабларининг ҳар бирининг тизим бўйича мувофиқлик ёки номувофиқликларини аниқлашдан иборат. Шундай қилиб, “ҳа/йўқ” методи “баллар” методининг соддалаштирилган варианты ҳисобланади. Стандарт талаблари ҳар бир кичик банднинг, банднинг, бўлим остининг, бўлимнинг баҳолаш натижалари 5 бўлимдаги жадвал асосида тузилган сўровноманинг ўнг қисмига ёзиб қўйилади.

СМТнинг умумий баҳосини ё ташкиллаштириш жараёнлари (биринчи томоннинг аудити), ё истеъмолчи жараёнлари (иккинчи томоннинг аудити), ё сертификация идоралари (учинчи томоннинг аудити) талаблари билан мувофиқ тарзда аниқланади.

СМТни “баллар” методи асосида баҳолаш тартиби. СМТ нинг “баллар” методи асосида баҳолаш тартиби қуйидагидан иборат. Талабларни бажаришни баҳолаш 3.5-жадвалга мувофиқ тарзда аниқланади.

3.5-жадвал

**Стандарт талабларини бажарилишини баҳолашда ишлатиладиган
меъзонлар**

Меъзонлар	Балл
Текшириш жараёнида ҳавфсизликка таъсир этувчи номувофиқликлар аниқланди ёки қонуний белгиланган талаблар бажарилмаган	0
Текшириш жараёнида маҳсулотнинг мувофиқлигига таъсир этувчи/буюртмачи олдидаги мажбуриятларнинг бажарилишига таъсир этувчи номувофиқликлар аниқланди	1
Талаблар жорий қилинмаган ва/ёки доимий бажарилмайди	2
Талаблар қисман жорий қилинган	3

Талаблар жорий қилинган, бироқ уларнинг бажарилиши қўйилган мақсадларга эришишни таъминламайди	4
Талаблар жорий қилинган, уларнинг бажарилишида қўйилган мақсадларга эришиш қисман таъминланади	5
Талаблар жорий қилинган, қўйилган мақсадларга эришиш таъминланади	6
Фаолиятнинг натижалилигининг ошиши кўрсатилмоқда	7
Доимий равишда фаолиятнинг натижалилигининг ошиши кўрсатилмоқда	8
Фаолиятнинг самарадорлилигининг ошиши кўрсатилмоқда	9
Доимий равишда фаолиятнинг самарадорлилигининг ошиши кўрсатилмоқда	10

“Биринчи томонлама” аудитдаги СМТнинг баҳоланиш жараёни. СМТни “биринчи томонлама” баҳолаш жараёни (СМТнинг ички аудити, ўзига баҳо бериш) ISO 19011 стандарти тавсиялари билан мувофиқ тарзда ҳозирги стандартнинг 5 бўлимидаги чек-варақаларининг ишлатилиши билан ўтказилиши мумкин. Бунда баҳоланишнинг “баллар” методи ёки “ҳа/йўқ” методи ишлатилиши мумкин.

“Иккинчи томонлама” аудитдаги СМТнинг баҳоланиш жараёни. СМТни “иккинчи томонлама” баҳолаш жараёни истеъмолчи жараёнлари билан регламентга қўйилади ва ҳозирги стандартнинг 5 бўлимидаги чек-варақаларининг ишлатилиши билан ўтказилиши мумкин. Бунда баҳоланишнинг “баллар” методи ёки “ҳа/йўқ” методи ишлатилиши мумкин.

“Учинчи томонлама” аудитдаги СМТнинг баҳоланиш жараёни. СМТни “учинчи томонлама (сертификатлаш)” баҳолаш жараёни ISO 19011 стандарти тавсиялари билан мувофиқ тарзда ҳозирги стандартнинг 5 бўлимидаги чек-варақаларининг ишлатилиши билан ўтказилиши мумкин. Бунда баҳоланишнинг “баллар” методи ёки “ҳа/йўқ” методи ишлатилиши мумкин. СМТни баҳолаш бўйича натижаларни қайд қилувчи бланк иловада келтирилган.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги

					5310900 МСМСМ				
					Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги	<i>Лит</i>	<i>Масса</i>	<i>Масш.</i>	
Узг	Варақ	Ҳужжат №	Имзо	Сана		у			
Бажарди		Исмоилов.Ў.М							
Рахбар.		Қосимов.Б.И							
Каф.муд		Эснова.Ш.							
Маслаҳ.						<i>Варақ</i>	<i>Варақлар</i>		
						АМИ “МСМСМ” фак. гр. 091 МСМСМ			
Тасдиқ.									

ХАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ.

Ишлаб чиқаришда меҳнат шароитини яхшилаш ҳамда соғлом ва хавфсиз иш шароитини ташкил этиш биринчи навбатда меҳнат муҳофазасини яхшилаш бўйича режали тадбирлар ишлаб чиқиш талаб этади. Бу режали тадбирлар касаба уюшмалари кўмитаси билан келишилган ҳолда тузилмоғи зарур ва керакли маблағлар билан таъминланиши лозим. Меҳнат муҳофазасини яхшилаш бўйича бажариладиган барча ишлар бир йилга, беш йилга ва келажакка мўлжалланган комплекс режалар асосида амалга оширилади.

Меҳнат муҳофазасини яхшилаш бўйича тузиладиган бир йиллик режада кўзда тутиладиган тадбирлар ташкилот маъмурияти билан касаба уюшмаси кўмитаси ўртасида тузилган меҳнат муҳофазаси бўйича жаома шартномасида ўз ифодасини топади. Жамоа шартнома лойиҳаси йил бошида ишчиларнинг умумий мажлисида муҳокамага қўйилади ва у маъқуллангач ташкилот маъмурияти ҳамда Касаба уюшмаси кўмитаси томонидан тасдиқланади.

Меҳнат муҳофазасини яхшилаш бўйича тузиладиган тадбирлар асосан қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

А) ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисаларни олдини олиш:

- барча янги қурилаётган объектлар меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси масалаларини қамров олган ишлаб чиқариш ишлари лойиҳаси билан таъминлаш;
- содир бўлган бахтсиз ҳодисаларни яна такрорланмаслиги учун уларни ташлил қилиб бериш;
- хавфсиз меҳнат шароитини таъминлайдиган янги мослама ва воситалар ишлаб чиқариш.

Б) ишлаб чиқаришда касалланишни олдини олиш:

- иш жойларида ва дам олиш хоналарида нормал микроклим бўлишини таъминлаш;

- ишчилар ва ходимларни ишга ва ишдан автобусларда ёки шу мақсадлар учун махсус жиҳозланган автомобиллардагина ташиш;

- белгиланган иш турлари бўйича тиббий кўрикларни ташкил этиш.

В) Меҳнат шароитларини яхшилаш учун:

- ишлаб чиқариш маданиятини юксалтириш, ишлаб чиқаришга янги технологиялар ва янги техникаларни жорий этиш;

Хавфсизлик техникаси ҳолатини яхшилашга йўналтирилган мусобақалар ташкил этиш.

Г) меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси бўйича ўқитиш ҳамда бошқа тарғибот ишларини олиб бориш учун:

- барча ишчилар ва инженер- техник ходимларни хавфсизлик техникаси бўйича ўқитишда, йўриқномалар бериш ва билимларини синовдан ўтказиш;

- хавфсизлик техникаси ва фавқулодда ҳолатларда ҳаёт фаолият хавфсизлиги бўйича кабинетлар ташкил этиш.

Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси бўйича ўқитиш.

Енгил автомобил ишлаб чиқаришда ҳар бир фаолият кўрсатадиган ишчи ва ходим ўзига бириктирилган ишни хавфсиз бажариш учун чуқур билимга эга бўлиши зарур. Бунинг учун эса уларни меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси бўйича малакали ўқитиш талаб этилади.

Енгил автомобил ишлаб чиқариш сеҳида ишлаб чиқаришдаги барча ишчилар барча ишларнинг характери ва хавфсизлик даражасидан қатъий назар меҳнат хавфсизлиги бўйича ўқитилиб, билимлари текширилиб кўрилгандан сўнг ишга рухсат этилади. Цехдаги ишчиларни меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси бўйича ўқитиш, уларга йўриқномалар ўтиш орқали амалга оширилади.

Йўриқномалар асосан кириш йўриқномаси, иш жойидаги бирламчи йўриқномаси, навбатдаги йўриқнома, навбатдан ташқари йўриқнома, даврий йўриқномаларига бўлинади. Ишчи ходимларга бу ҳамма йўриқномалар

ўтказилиб ва яна курс ўқишлари ўқитилади, кейин эса ходимларга гувоҳнома берилади.

Ишлаб чиқариш цехидаги махсус кийим бошлар, шахсий ҳимоя воситалари ва унинг профилактикаси. Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнат қонунлари кодекси” ва “Меҳнатни муҳофаза қилиш” қонунларни асосида меҳнат шароити зарарли бўлган ишларда, шунингдек алоҳида харорат шароитида бажариладиган ёмон ифлослантирадиган ишларда ишловчи ходимларга белгиланган меъёردа махсус кийим бош, махсус пойафзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари текинга берилади.

Корхона муассаса ёки ташкилот маъмурияти махсус кийим бош, махсус пойафзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситаларини сақлаш, ювиш, тозалаш ва таъмирлашни таъминлаши, шунингдек бу воситалардан фойдаланишни доимий назорат қилиб боришлари зарур.

Енгил автомобил ишлаб чиқариш цехида ҳам бундай шароит тўлиқ йўлга қўйилган ва масъул шахслар томонидан доимий назорат қилиб борилади. Бундан ташқари ифлосланиш билан боғлиқ бўлган ишларда ишловчиларга белгиланган меъёрларда совун ва бошқа хил зарарсизлантирувчи воситалар ҳам текинга берилади.

Махсус кийим бош ва шахсий ҳимоя воситаларини фойдаланиш муддатлари ўрнатилган бўлиб, у қуйидагича белгилангандир: коржомалар, пойафзаллар 12 ой, қўлқоплар 1 ёки 2 ой, ҳимоя каскалари 2 йил, иссқ кийим бошлар 36 ой.

Ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳисобга олиш

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар, ташкилотлар, шунингдек, меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган айрим фуқароларда меҳнат фаолияти билан боғлиқ ҳолда юз берган ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигини бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш – Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286- сон қарори билан тасдиқланган Низом асосида олиб борилади.

Мазкур низом: ишлаб чиқаришда ишлаётган даврида суд ҳукми бўйича жазони ўтаётган фуқароларга, иш берувчиларга, пудрат ва топшириқларга кўра фуқаролик ҳуқуқий шартномалар бўйича ишларни бажараётган шахсларга, табиий ва техноген тусдаги фавқулотда вазиятларни бартараф этишда қатнашаётган фуқароларга, корхонада ишлаб чиқариш амалиётини ўтаётган талабалар ва ўқувчиларга ҳам тадбиқ этилади. Табиий ўлим, ўзини-ўзи ўлдириш, жабрланувчининг ўз саломатлигига қасддан шикаст етказиши, шунингдек, жабрланувчининг жиноят содир қилиш чоғида шикастланиши ҳолатлари текширилмайди ва ҳисобга олинмайди.

Иш берувчи текшириш тугаганидан сўнг 3 суткадан кечиктирмай жабрланувчига ёки унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи шахсга давлат тилида ёки бошқа мақбул тилда расмийлаштирилган бахтсиз ҳодиса тўғрисидаги Н-1 шаклдаги далолатномани бериши керак.

Иш берувчи билан давлат меҳнат техника назоратчиси ўртасидаги англашилмовчиликни бош давлат назоратчиси ҳал қилади. Қуйидаги бахтсиз ҳодислар махсус текширилади:

бир вақтнинг ўзида икки ва ундан зиёд ходимлар билан юз берган бахтсиз ҳодисалар, ўлим билан тугаган бахтсиз ҳодисалар, оқибати оғир бахтсиз ҳодисалар;

Гуруҳий ўлим билан тугаган ва оқибати оғир бахтсиз ҳодиса тўғрисида иш берувчи дарҳол схемага биноан қуйидагиларга хабар бериш керак: давлат техника назоратчисига, юқори турувчи хўжалик органига.

Агар бахтсиз ҳодиса Ўзбекистон Касаба уюшмалари федератсияси кенгашига аъзо ташкилотда юз берса, у ҳолда касаба уюшмаларининг бош меҳнат техник назоратчиси комиссия таркибига киритилади.

Беш ва ундан зиёд киши ўлган бахтсиз ҳодисалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида тузилган комиссия томонидан текширилади.

Махсус текшириш комиссияси 15 кун мобайнида бахтсиз ҳодисани текшириб чиқади, корхонадаги меҳнатни муҳофаза қилиш аҳволини. Агар

зарур бўлса, тармоқнинг бошқа корхоналарида ҳам текширишни ташкил этади, махсус текшириш далолатномасини тузади.

Иш берувчи махсус текшириш комиссияси таклиф қилган чоратадбирларнинг бажарилганлиги ҳақида махсус текшириш ўтказишни бошқарган бош давлат меҳнат техника назоратчисига, “Ўзсаноатконтехназорат” давлат қўмитасининг объектлар назорати остида бўлган маҳаллий органларига ёзма равишда ахборот беради.

Иқтисодий қисм

					5310900 МСМСМ				
					Иқтисодий қисм	<i>Лит</i>		<i>Масса</i>	<i>Масш.</i>
Узе	Варақ	Хужжат №	Имзо	Сана		у			
Бажарди		Исмоилов.Ў.М							
Рахбар.		Қосимов.Б.И							
Каф.муд		Эсонова.Ш							
Маслаҳ.						<i>Варақ</i>		<i>Варақлар</i>	
						АМИ "МСМСМ" фак. гр. 091 МСМСМ			
Тасдиқ.									

Иқтисодий қисм

ISO 9001:2008 ва ISO/Ts 16949:2009 халқаро стандарларини жорий этишни иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

ISO 9001:2008 ва ISO/Ts 16949:2009 халқаро стандарларини жорий этишнинг иқтисодий самарадорлиги сифатсиз маҳсулот етказиб бериш билан боғлиқ иқтисодий зарар ва йўқотишлар ҳажми билан белгиланади.

“Uz Dong Yang Co” қўшма корхонаси томонидан сифатни яхшилашга қаратилган фаолият ва шу жумладан, ISO 9001:2008 ва ISO/Ts 16949:2009 халқаро стандарлари асосида тузилган сифат тизимини ташкил этиш иқтисодий самарадорлиги корхонанинг “GM-Uzbekistan” заводи йиғув цехига келтирилган қисмлар сифати билан аниқланади.

Сифатсиз маҳсулотни келтириш нафақат маҳсулотнинг сифатини яхшилаш, балки “GM-Uzbekistan” заводининг йиғув цехи тўхтатилиши билан боғлиқ зарар билан баҳоланади. Бу дегани келтирилган зиён баҳоланади яъни истеъмолчи “GM-Uzbekistan” заводи йиғув линиясининг тўхтатилиши билан боғлиқ зарар “Uz Dong Yang Co” қўшма корхонасига жарима тариқасида келтирилган зиённинг 100% ини ташкил қилади (барча келтирилган кўрсаткичлар шартли равишда олинган, аммо амалиётда ўрганилган ҳолат ва ривожланиш йўналишини акс эттиради. Ҳақиқий моделлар бўйича келтирилган зиён ва йўқотишлар баҳоси корхонанинг тижорат сири ҳисобланади ва кенг тарқатилмайди).

Қуйидаги ҳисоб - китоб учун маълумотлар 3.6. – жадвалда келтирилган.

“GM-Uzbekistan” заводида қўшма корхоналар маҳсулотининг сифати билан боғлиқ йиғув линияси оқибатида келиб чиққан иқтисодий йўқотишлар 3.7.- жадвал ва 3.1- расмда келтирилган.

**Бутловчи қисм етказиб берувчи корхоналарнинг сифат муаммоси билан
боғлиқ йўқотишлар**

Йил	Ой	Корхона	Модель	Хисоб	Йўқотиш суммаси (\$)
	январь	Uz Dong Yang Co	Cobalt	40 мин х 3 \$	120 \$
	февраль	Uz Koram Co	N 150	19 мин х 32 \$	608 \$
		Uz Dong Yang Co	Cobalt	25 мин х 8 \$	200 \$
			M 300	6 мин х 18 \$	108 \$
			M 150	2 мин х 17 \$	34 \$
	март	Uz Koram Co	Cobalt	3 мин х 57 \$	171 \$
		Uz Dong Yang Co	Cobalt	103 мин х 57 \$	5871 \$
	апрель	Uz Koram Co	Cobalt	9 мин х 57 \$	513 \$
		Uz Dong Yang Co	Cobalt	6 мин х 57 \$	342 \$
			M 300	10 мин х 22 \$	220 \$
			M 150	4 мин х 19 \$	76 \$
			N 150	6 мин х 36 \$	216 \$
	май	Uz Koram Co	Cobalt	2 мин х 57 \$	114 \$
			B 150	40 мин х 14 \$	560 \$
		Uz Dong Yang Co	Cobalt	8 мин х 57 \$	456 \$
			M 300	161 мин х 22 \$	3542 \$
			J 200	5 мин х 33 \$	165 \$
	июнь	Uz Koram Co	M 150	4 мин х 19 \$	76 \$
		Uz Dong Yang Co	Cobalt	2 мин х 17 \$	54 \$
	июль	Uz Dong Yang Co	M 150	26 мин х 57 \$	1482 \$
			Cobalt	27 мин х 36 \$	972 \$
			M 300	3 мин х 22 \$	66 \$


2013	август	Uz Koram Co	Cobalt	5 мин x 57 \$	285 \$
		Uz Semgwoo	Cobalt	9 мин x 57 \$	513 \$
	сентябрь	Uz Koram Co	M 300	8 мин x 57 \$	456 \$
		Uz Dong Yang Co	Cobalt	5 мин x 57 \$	285 \$
			N 150	5 мин x 36 \$	180 \$
	октябрь	Uz Dong Yang Co	Cobalt	28 мин x 57 \$	1596 \$
			M 300	20 мин x 22 \$	440 \$
			N 150	15 мин x 15 \$	285 \$
	ноябрь	Uz Koram Co	J 200	3 мин x 22 \$	66 \$
		Uz Dong Yang Co	Cobalt	3 мин x 22 \$	66 \$
			Nexia	3 мин x 22 \$	66 \$
			Spark	3 мин x 22 \$	66 \$
	декабрь	Uz Koram Co	Lasetti	5 мин x 33 \$	165 \$
2014	январь	Uz Dong Yang Co	M 150	9 мин x 19 \$	171 \$
			N 150	49 мин x 36 \$	1764 \$
	февраль	Uz Dong Yang Co	Cobalt	29 мин x 57 \$	1653 \$
			N 150	10 мин x 36 \$	360 \$
			J 200	67 мин x 33 \$	108 \$
			M 300	5 мин x 22 \$	110 \$
	март	Uz Koram Co	N 150	66 мин x 36 \$	2376 \$
		Uz Dong Yang Co	J 200	10 мин x 33 \$	330 \$
	апрель	Uz Koram Co	N 150	3 мин x 36 \$	108 \$
		Uz Dong Yang Co	J 200	7 мин x 33 \$	231 \$
			Cobalt	56 мин x 57 \$	3192 \$
			M 300	22 мин x 22 \$	484 \$

			M 150	10 мин x 19 \$	190 \$
			J 200	10 мин x 33 \$	330 \$
	июнь	Uz Dong Yang Co	Cobalt	5 мин x 57 \$	285 \$
			M 300	5 мин x 22 \$	110 \$
			M 150	10 мин x 19 \$	190 \$
			N 150	35 мин x 36 \$	1260 \$
	июль	Uz Dong Yang Co	J 200	7 мин x 71 \$	497 \$
			Cobalt	34 мин x 95 \$	3230 \$
			N 150	10 мин x 59 \$	590 \$
	август	Uz Koram Co	N 150	2 мин x 173 \$	346 \$
		Uz Dong Yang Co	Cobalt	4 мин x 173 \$	692 \$

3.7.-жадвал

Қўшма корхоналар сифатининг муаммолари йиғув цехида тўхтатишлар оқибатида келиб чиққан йўқотишлар даражаси

№	Корхона	Кўрилган зарар 2014й (\$)	Кўрилган зарар 2015й (\$)
1	“Uz Dong Vong Co”	225	219
2	“Uz Tong Xong Co”	882	346
3	“Uz Dong Yang Co”	15801	11667
4	“Uz Dong Ju”	4280	4110
Жами 4 та ҚК		6888	16342



Автомобиль моделлари бўйича бутловчи қисмлар муаммолари билан боғлиқ йиғув цехида тўхтатишлар оқибатида келиб чиққан иқтисодий йўқотишлар 3.8. - жадвал ва 3.2. - расмда келтирилган

Келтирилган икки йиллик иқтисодий йўқотишлар - линия тўхтатилиши учун келтирилган жарима ҳақиқий келтирилган зарарнинг 10% ини ташкил қилмоқда ҳамда 2014 йил 24.779\$, 2015 йил 19.579\$ ташкил этди.

Ҳақиқий зарар миқдори 240.000\$ - 250.000 \$ ни ташкил этади.


Линияда тўхтатиш зарари умумий келтирилган йўқотишнинг 20%ини ташкил этган ҳолда иккала корхонага ("GM-Uzbekistan" ва "Uz Dong Yang Co" иқтисодий йўқотишлар тахминан йил давомида 800.000 \$ миқдорида бўлиши мумкин.

Яъни ISO 9001:2008 ва ISO/Ts 16949:2009 халқаро стандартига асосланган сифат тизимини жорий этиш корхонага бир йилда 800.000 ёки 1 млн. \$ иқтисодий фойда келтиради.

**Автомобиль моделлари сифатининг муаммолари йиғув цехида тўхтатишлар
оқибатида келиб чиққан йўқотишлар даражаси**

№	Моделлар	Кўрилган зарар 2014й (\$)	Кўрилган зарар 2015й (\$)
1	Cobalt	13318	9052
2	Nexia N150	2471	7023
3	Spark M300	6332	734
4	Lasetti J200	430	1826
5	Damas M150	2228	941
	Жами 4 та қк	24779	19579

3.2. - расм



рча
фойдани акс эттирмайди, чунки иқтисодий самарадорликка ишлаб
чиқаришда мумкин бўлган бошқа йўқотишлар (олди олинган сифатсиз
маҳсулотни таъмирлаш, ҳам қўшимча меҳнат ва қўшимча харажат) ҳам
бўлади.

Юқорида келтирилганлардан қуйидаги хулосани чиқариш мумкин:

- гарчи ISO 9001:2008 ва ISO/Ts 16949:2009 халқаро стандарлари асосида сифат тизимини жорий этиш катта молиявий - маъмурий меҳнат ва моддий харажатлар билан боғлиқ бўлсада, шубҳасиз иқтисодий, тижорат, технологик ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан фойдалидир.

Хулоса

					5310900 МСМСМ						
					Хулоса	Лит			Масса	Масш.	
Узг	Варақ	Хужжат №	Имзо	Сана		у					
Бажарди	Исмоилов.Ў.М.										
Рахбар.	Қосимов.Б.И										
Каф.муд	Эсонова.Ш.					Варақ			Варақлар		
Маслаҳ.						АМИ “МСМСМ” фак. гр.091 МСМСМ					
Тасдиқ.					95						

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.

Диплом лойиҳасини бажариш давомида ва ўтказилган тадқиқотлар асосида ишлаб чиқариш корхоналарининг, шу жумладан “Uz Dong Yang Co” кўшма корхонасининг ўзига хос хусусиятлари ва уларда ишлаб чиқариш жараёнлари ва натижаларига ўрнатилган талаблардан келиб чиқиб қуйидагича тавсия ва хулослар қилинди:

- ишлаб чиқариш корхоналарида сифат менежмент тизимларига қўйиладиган талаблар илмий ўрганилди ва асосланди;
- ISO/Ts 16949:2009 халқаро стандарти асосида сифат менежмент тизимининг шакллантириш усули ва самарадолигини баҳолаш мезонлари танланди ва асосланди;
- ISO/Ts 16949:2009 халқаро стандарти асосида менежмент тизими самарадорлигини аниқлаш, ишлаб чиқарувчи корхоналарда бутловчи қисмлар етказиб берувчи корхоналар билан ISO/Ts 16949:2009 халқаро стандарти асосида менежмент тизимининг шакллантириш ва ривожлантириш бўйича аниқ амалий тавсиялар ишлаб чиқилди;
- ISO/Ts 16949:2009 халқаро стандарти асосида менежмент тизимини истиқболли ривожланиш йўлларини башорат этиш ва ривожланиш салоҳияти яратилди.

Шунингдек, ISO/Ts 16949:2009 стандарти талабларини ISO 9001:2008 талаблари билан таққослаганда талаблар ҳажми кўплиги, уни жорий этишга кўп вақт лозимлигини кўрсатади.

Кўп вақт FMEA, SPC ва MSA қўлланмаларини жорий этишга кетади. SPC ва MSAлар статистик методлар бўлгани учун, уларга компьютер дастури жорий этиш билан вақт сарфини камайтириш мумкин.

ISO/Ts 16949:2009 стандарти бўйича корхона сифат менежменти тизимни сертификатлаш, сертификатлаш схемасига мувофиқ жорий ёзувлари камида 12 ойни ўз ичига олиши мумкин.

ISO/Ts 16949:2009 стандарти талабларига мувофиқ сифат менежменти тизимини жорий этиш ўн ойдан ўн саккиз ойгача, ISO 9001:2008 талабларини жорий этиш учун эса камида олти ойдан бир йилгача бўлган муддатни ўз ичига олиши мумкин.

Бошланишда талабларнинг кўп қисми тушунарсиз бўлиши мумкин. Уларни тушунишда истеъмолчидан (автомобил йиғувчилардан), қолаверса амалий тажрибага эга бўлган маслаҳатчи ташкилотлардан маслаҳатлар олишлари мумкин.

ISO 9001:2008 стандарти талаблари бўйича СМТни жорий қилмаган корхоналар ISO/Ts 16949:2009 бўйича ўз СМТ ни ташкил қилишлари қийин, шунинг учун аввало ISO 9001:2008 талабларини жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Автомобиль йиғувчи компаниялар ўзининг бутловчи қисмлар етказувчиларидан ISO/Ts 16949:2009 халқаро стандарти талабларига мувофиқлигини талаб қилмоқда, шунинг учун ISO/Ts 16949:2009 стандарти талабларига мувофиқликни бугундан бошлаш лозим.

.

Фойдаланилган адабиётлар

					5310900 МСМСМ						
					Фойдаланилган адабиётлар	Лит			Масса	Масш.	
Узе	Варақ	Хужжат №	Имзо	Сана		у					
Бажарди		Исмоилов.Ў.М.									
Рахбар.		Қосимов.Б.И									
Каф.муд		Эснова.Ш.				Варақ			Варақлар		
Маслаҳ.						АМИ “МСМСМ” фак. гр. 091 МСМСМ					
Тасдиқ.											

98

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараккиёт йўли», Тошкент, «Ўзбекистон », 1992й. 40 бет.
2. Каримов И.А. Узбекистан – собственная модель перехода на рыночные отношения. «Узбекистан», 1995 г.
3. Каримов И.А. «Мировой финансовый экономический кризис, пути и меры его преодоления в условиях Узбекистана», Ташкент, «Узбекистан», 2009 г.
4. Абдувалиев А.А., Латипов В.Б., Умаров А.С., Алимов М.Н., Бойко С.Р., Хакимов О.Ш., Хван В.И. Стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва сифат. Ўқув қўлланма. Тошкент, СМСИТИ, 2008 й. – 267 б.
5. Исматуллаев П.Р., Максудов А.Н., Абдуллаев А.Х., Ахмедов Б.М., Аъзамов А.А. Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш. «Узбекистон» Тошкент-2001й.
6. Integration Definition For Function Modeling (IDEF0). Draft Federal Information Processing Standards Publication 183 ,1993 December 21
7. Integration Definition For Information Modeling (IDEF1X), Draft Federal Information Processing Standards Publication 184 1993 December 21.
8. Давид Марка, Клемент Мак Гоуэн, Методология структурного анализа и проектирования. Пер. с англ. М.:1993, 240 с. , ISBN 5-7395-0007-9
9. Дружинин В.В., Конторов Д.С. Системотехника. – М.: Радио и связь. 1985, - 200 с.
10. Васин С.А., Сорокин М.А. Моделирование и унификация контроля и испытаний продукции массового производства. // Управление качеством в нефтегазовом комплексе. - М.: 2010, К?4-с. 31- 34. (0,5 пл.).
11. Сорокин М.А. Оптимизации планов разрушающего контроля и испытания продукции массового производства. // Известия высших учебных заведений. Машиностроение. - М.: 2011, №.4 - с. 72-76. (0,5 пл.).

12. Сорокин М.А. Унификация планов выборочного контроля продукции массового производства. // Известия высших учебных заведений. Машиностроение. - М.: 2011. X®.5 - с. 63-68. (0,5 пл.).

13. Сорокин М.А. Использование IDEF - моделей при анализе процессов контроля и испытаний продукции массового производства // Известия высших учебных заведений. Машиностроение. - М.: 2011, №.7 -с. 12-17. (0,5 пл.).

14. Сорокин М.А. Статистическое моделирование процессов контроля продукции массового производства с использованием СУБД. И Управление качеством в современной организации: сборник материалов VI. Международной научно-практической конференции. Пенза: ПДЗ, 2011.-С. 56-59. (0,2 пл.).

15. Сорокин М.А. Управление качеством продукции массового производства на основе выборочного контроля. И Материалы и технологии XXI века: сборник материалов IX Международной научно-технической конференции. Пеша: ПДЗ. 20П.-С. 125-127.(0.2 пл.).

16. Сорокин М.А. К вопросу об интеграции систем оптимизации параметров процесса контроля продукции массового производства и систем информационной поддержки се жизненного цикла //Системы проектирования, моделирования. подготовки производства и управление проектами: сборник материалов V Международной научно-практической конференции. CAD/CAM/CAE/PDM. Пенза: ПДЗ. 2011С. 59-62. (0.2 пл.).

17. <http://www.iso.org> интернет сайты

18. www.management.uz

19. www.standart.uz

Иловалар

3.3- илова

СМТни баҳолаш бўйича бланклар СМТни баҳолаш бўйича натижаларни қайд қилувчи бланк

ISO/Ts 16949 талаблари банди	Мутаносиб-ликлар	Номутаносиб-ликлар	Балл	Изоҳ
4. сифат менежменти тизими (СМТ)				
4.1. Умумий талаблар				
4.1.1. Умумий талаблар – қўшимча				
4.2. Ҳужжатларга талаблар				
4.2.1. Умумий ҳолатлар				
4.2.2. Сифат бўйича бошқарув				
4.2.3. Ҳужжатларни бошқариш				
4.2.3.1. Техник шароитлар				
4.2.4. Ёзувларни бошқариш				
4.2.4.1. Ёзувларни сақлаш				
5. Раҳбариятнинг жавобгарлиги				
5.1. Раҳбариятнинг мажбуриятлари				
5.1.1. Жараёнларнинг самарадорлиги				
5.2. Истеъмолчига йўналтирилганлик				
5.3. Сифат доирасидаги сиёсат				
5.4. Режалаштириш				
5.4.1. Сифат доирасидаги мақсадлар				
5.4.1.1. Сифат доирасидаги мақсадлар – қўшимча				
5.4.2. СМТни яратиш, доимийликда сақлаш ва яхшилашни режалаштириш				
5.5. Жавобгарлик, ваколатлар ва маълумот алмашиниш				
5.5.1. Жавобгарлик ва ваколатлар				
5.5.1.1. Сифат учун жавобгарлик				
5.5.2. Раҳбарият вакили				
5.5.2.1. Истеъмолчи вакили				
5.5.3. Ички маълумот алмашинуви				
5.6. Раҳбарият томонидан анализ				
5.6.1. Умумий ҳолатлар				
5.6.1.1. СМТнинг ишлаши				
5.6.2. Анализ учун қилувчи маълумотлар				
5.6.2.1. Анализ учун қилувчи маълумотлар – қўшимча				
5.6.3. Анализ учун чиқувчи маълумотлар				
6. Ресурслар менежменти				
6.1. Ресурслар билан таъминлаш				
6.2. Инсоний ресурслар				
6.2.1. Умумий ҳолатлар				
6.2.2. Билимлилик, маълумотга эга билик ва тайёргарлик				

6.2.2.1 Маҳсулотни ишлаб чиқишдаги билимлар				
6.2.2.2.Ишчиларнинг тайёргарлиги				
6.2.2.3.Ишчиларнинг айнан ишга тайёрлиги				
6.2.2.4.Ишчиларнинг асоси ва уларга ваколатларнинг бўлиниши				
6.3.Инфраструктура				
6.3.1.Ташиқлотнинг режаслаштирилиши, асбобларнинг ва хизмат кўрсатиш усулларининг жойлаштирилиши				
6.3.2.Кутилмаган ҳолатлардаги ҳаракатларнинг режаслаштирилиши				
6.4.Ишлаб чиқариш доираси				
6.4.1.Маҳсулотнинг эришилган сифатдаги ишчиларнинг хавфсизлиги				
6.4.2.Биоларнинг тозаллиги				
7.Маҳсулотнинг ҳаёт даврилиги жараёнлари (МХД)				
7.1.МХД жараёнларини режаслаштириши				
7.1.1.МХД жараёнларини режаслаштириши – қўшимча				
7.1.2.Мақбуллик меъзонлари				
7.1.3.Маҳфийлик				
7.1.4.Ўзгартиришларни бошқариши				
7.2.Истеъмолчи билан боғлиқ бўлган жараёнлар				
7.2.1.Маҳсулотга тегишли бўлган талабларни аниқлаш				
7.2.1.1. Истеъмолчи томонидан белгиланган маҳсус тавсифлар				
7.2.2. Маҳсулотга тегишли бўлган талаблар анализи				
7.2.2.1. Маҳсулотга тегишли бўлган талаблар анализи - қўшимча				
7.2.2.2.Ташиқлаштирилишининг ишлаб чиқариш имкониятлари				
7.2.3. Истеъмолчи билан алоқа				
7.2.3.1. Истеъмолчи билан алоқа - қўшимча				
7.3.Лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқиш				
7.3.1. Лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқишни режаслаштириш				
7.3.1.1.Кўп услубли ёндашув				
7.3.2. Лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқишнинг қирувчи маълумотлари				
7.3.2.1.Маҳсулотни лойиҳалаштирилишининг қирувчи				

<i>маълумотлари</i>				
<i>7.3.2.2.Ишлаб чиқариш жараёнини лойиҳалаштиришининг кирувчи маълумотлари</i>				
<i>7.3.2.3.Маҳсус тавсифлар</i>				
<i>7.3.3. Лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқишнинг чиқувчи маълумотлари</i>				
<i>7.3.3.1. Маҳсулотни лойиҳалаштиришининг чиқувчи маълумотлари - қўшимча</i>				
<i>7.3.3.2. Ишлаб чиқариш жараёнини лойиҳалаштиришининг чиқувчи маълумотлари</i>				
<i>7.3.4. Лойиҳа ва ишлаб чиқаришнинг анализи</i>				
<i>7.3.4.1. Мониторинг</i>				
<i>7.3.5. Лойиҳа ва ишлаб чиқаришнинг верификацияси</i>				
<i>7.3.6. Лойиҳа ва ишлаб чиқаришнинг валидацияси</i>				
<i>7.3.6.1. Лойиҳа ва ишлаб чиқаришнинг валидацияси – қўшимча</i>				
<i>7.3.6.2.Синовдаги намунанинг ишлаб чиқиш дастури</i>				
<i>7.3.6.3.Маҳсулотни мақуллаш жараёни</i>				
<i>7.3.7. Лойиҳа ва ишлаб чиқаришдаги ўзгартиришларни бошқариш</i>				
<i>7.4.Сотиб олишлар</i>				
<i>7.4.1.Сотиб олиш жараёни</i>				
<i>7.4.1.1.Регламентларга мувофиқлик</i>				
<i>7.4.1.2.Таъминотчи СМТсини ишлаб чиқиш</i>				
<i>7.4.1.3.Истеъмолчи томонидан белгиланган таъминот манбалар</i>				
<i>7.4.2.Сотиб олиш бўйича маълумотлар</i>				
<i>7.4.3.Сотиб олинган маҳсулотларнинг верификацияси</i>				
<i>7.4.3.1.Кирувчи маҳсулотнинг сифати</i>				
<i>7.4.3.2.Таъминотчи мониторинги</i>				
<i>7.5.Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш</i>				
<i>7.5.1. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни бошқариш</i>				
<i>7.5.1.1.Бошқариш режаси</i>				
<i>7.5.1.2.Ишчи кўрсатмалар</i>				
<i>7.5.1.3.Созлашларнинг верификацияси</i>				
<i>7.5.1.4.Огоҳлантирувчи ва</i>				

диагностик теъхник хизмат кўрсатиши ва таъмирлаш				
7.5.1.5.Ишлаб чиқариш асбоб ускуналари менежменти				
7.5.1.6 Ишлаб чиқаришнинг режа-графикини тузиши				
7.5.1.7.Хизмат кўрсатиши доирасидан тескари маълумот				
7.5.1.8.Истеъмолчи билан хизмат кўрсатишига келиши				
7.5.2.Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларининг валидацияси				
7.5.2.1. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларининг валидацияси – қўшимча				
7.5.3.Идентификация ва кузатувлик				
7.5.3.1. Идентификация ва кузатувлик– қўшимча				
7.5.4.Истеъмолчиларнинг мулки				
7.5.4.1. Истеъмолчига тегишли бўлган мослама ва асбоблар				
7.5.5.Маҳсулотнинг мувофиқлигини сақлаш				
7.5.5.1.Захираларни сақлаш ва бошқариш				
7.6.Мониторинг ва ўлчовлар асбобларини бошқариш				
7.6.1.Ўлчов тизимларининг анализи				
7.6.2.Калибровка бўйича қайдлар				
7.6.3.Лабораторияларга талаблар				
7.6.3.1.Шахсий лабораториялар				
7.6.3.2.Ташиқ лабораториялар				
8.Ўлчов, анализ ва яхшилаш				
8.1. Умумий ҳолатлар				
8.1.1.Статистик методларни аниқлаш				
8.1.2.Асосий статистик тушунчаларни билиш				
8.2.Мониторинг ва ўлчовлар				
8.2.1.Истеъмолчининг мамнунлиги				
8.2.1.1. Истеъмолчининг мамнунлиги – қўшимча				
8.2.2.Ички аудитлар (текширувлар)				
8.2.2.1.СМТ аудити				
8.2.2.2.Ишлаб чиқариш жараёни аудити				
8.2.2.3.Маҳсулот аудити				
8.2.2.4.Ички аудитларнинг режалари				
8.2.2.5.Ички аудитларнинг синфланиши				

8.2.3.Жараёнларнинг мониторинги ва ўлчови				
8.2.3.1Ишлаб чиқариш жараёнларининг мониторинги ва ўлчови				
8.2.4.Маҳсулотнинг мониторинги ва ўлчови				
8.2.4.1.Бутунлай назорат ва ишлаш текиширувлари				
8.2.4.2. Маҳсулотнинг ташиқи кўриниши				
8.3.Номувофик маҳсулотни бошқариш				
8.3.1. Номувофик маҳсулотни бошқариш – қўшимча				
8.3.2.Қайта ишланган маҳсулотни бошқариш				
8.3.3.Истеъмолчининг ҳабардорлиги				
8.3.4. Истеъмолчини қайтаришига рухсат бериш				
8.4.Маълумотлар анализи				
8.4.1. Маълумотлар анализи ва ишлатилиши				
8.5.Яхшиланиш				
8.5.1.Доимий яхшиланиш				
8.5.1.1.Ташиқлаштиришнинг доимий яхшиланиш				
8.5.1.2. Ишлаб чиқариш жараёнининг яхшиланиши				
8.5.2.Тўғрилаш ҳаракатлари				
8.5.2.1.Муаммолар ечими				
8.5.2.2.Хаолардан огоҳлантириш				
8.5.2.3. Тўғрилаш ҳаракатларини оммалаштириш				
8.5.2.4.Ёқимсиз маҳсулотни синаш ва (ёки) анализ қилиш				
8.5.3.Огоҳлантирувчи ҳаракатлар				
НАТИЖА:				